


83.3
С 21


ЖАШИЛИКШУНОС



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

--	--



Б.З.2.(59)
С-21

УЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧҚО
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АҲБОРОт РЕСУРС МАРКАЗИ

✓

ЯХШИЛИКШУНОС

Устоз, олим, публицист, спортсевар, Ёзувчилар,
Журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси,
Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси, "Олтин қалам" милий
мукофоти совриндори Сайди Умиров сийратига
чизгилар

Узбекистон овоге "язгаси
тадрисчига" соғиб
18.12.2018.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

-0775-2

Тошкент
GLOBAL BOOKS
2018

УЎК: 821.512.133(575.1)(092)

КБК: 83.3г(5Ў)

С 21

Тузувчи, дебоча ва фаслларга сўзбоши
муаллифи:
Ҳалим Сайдов, филология фанлари номзоди

Масъул муҳаррир: Нилуфар Намозова,
филология фанлари номзоди

Яхшиликшунос (Устоз, олим, публицист Сайди
Умиров сийратига чизгилар) / Тузувчи Ҳ.Сайдов.
— Тошкент: «Global books», 2018. — 96 б.

УЎК: 821.512.133(575.1)(092)

КБК: 83.3г(5Ў)

ISBN 978-9943-4926-4-6

© «GLOBAL BOOKS» нашриёти, 2018.
© Ҳалим Сайдов, 2018.

ДЕБОЧА

Азиз китобхон!

Машҳур сўзшунос Файбуллоҳ ас-Салом таниқли олим, моҳир публицист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Олтин қалам" миллий мукофоти совриндори, Ёзувчилар, Журналистлар уюшмалари аъзоси Сайди Умиров ҳақида "Яхшиликшунос" сарлавҳали мақола ёзганди. Аввало, Сайди аканинг устози, у топиб айтган, яратган СЎЗ хурмати, қолаверса, шу сўзга муносиб яшаётган ИНСОН қадри учун кўлингиздаги мўъжаз рисолани шундай номладик.

Раҳматли домламиз, бетакрор олим Файбуллоҳ ас-Саломнинг ўша дилномасида қўйидагича армон ҳам бор эди: "...дунёнинг ишлари қизиқ. Бўзчи белбоққа ёлчимайди, деганлари дай, С.Умировнинг ўзи, унинг яхши инсоний хислатларию ишчанлик қобилиятини очиб берадиган бирон мақола ва очеркни кўрмадим". Қизиқ ҳолат. Журналистика факультети ва айнан ёзишга ўргатадиган домлалар тўғрисида жуда оз ёзилади. Нега, дейсизми? Билмадим. Ўз вақтида Очил Тоғаев ҳақидаги мақоламни чиқаришим қийин кечган. Таҳририяларда иккиланиброқ қарашдами-еъ. Хуллас, устоз Файбулла aka айтиб кетган халқнинг ўша гапини такрорлаб кўя коламиз — "бўзчи белбоққа ёлчимайди".

Эзгуликнинг эса кечи бўлмайди. Кўлингизда унинг исботи — кўпчилик томонидан ёзилган катта очерк. Сайди акани яқиндан биладиган, у ҳақда сўз айтадиган минглаб шогирдлари бор. Шу боис рисола тайёрланаётгани ҳақида эълон бермадик. Жараёнда Аллоҳ дуч қилган, ёдга солган устоз ва ҳамкасларга мурожаат қил-

ЯХШИЛИКШУНОС

дик. Сайди Умиров ҳәёти, ижоди ва серқирра фаолияти ҳақида ўз фикрларини айтишди, ёзиб олдик, баъзилар қоғозга тушириб беришди. Дилномаларни тўрт фаслга бўлиб, тартиб бердик.

Ушбу катта очерк ёзувчиларининг барчаларига са-
мими миннатдорчилигимизни билдирамиз!

Биринчи фасл

МУРАББИЙ МЕҲРИ

Бу чархи дунда яшаган, яшаётган ва яшайдиган ҳар бир инсон бетакрордир. Лекин сизга учраганларнинг ҳар бирiga ҳам кўнглингиздан жой беравермайсиз ёки улар ҳам сиз каби ҳаракатда бўлади. Сиз ўзингиз учун уларни кашф этасиз, улар эса сизни ўрганади.

Устоз Сайди Умировни ilk бора журналистика факультетининг кўпчилик талабалари қатори пахта мавсумида, кенг далаларда яқиндан таниганман.

Устоз иқтидори йилт этган талабани қўллаб-кувватларди. Меҳнат куни тугагач, кечки овқатдан сўнг уюштирилажак ижодий кечаларда талабалар шеърларини эшитар, яхшиларини йигиб газета-журналлар таҳририятларига етказар, арзийдиганлари чоп этиларди. Сабоқдошларимизнинг радиода майин мусиқа фонида ўқилган туркум шеърларини кассетага ёздириб келгани, ётимиз(барак)да уйқу олдидан "Романтика" магнитофонида кўйиб бергани ҳамон ёдимда.

Таниқли журналист, шоир ва ёзувчилар билан гулхан атрофидаги учрашувларда айтиладиган ҳар бир ибратли сўз биз — бўлгуси журналистлар фикрининг ривожланишига туртки берарди. Шундай давраларда Сайди аканинг ўрни алоҳида бўларди. Гоҳ бирор журналист ижодининг бетакрор қирралари ҳақида гапириб талаба-журналистларга сабоқ берар, гоҳида ўша даврнинг машҳур футбол шарҳловчилари Николай Озеров ёки Котэ Маҳарадзе образига кириб, даврани қизитарди.

Факультетда ўқишини эндиғина бошлаганлар юқори курс талабаларидан қайси домланинг маърузаси фойдали эканлигини суриштиришар ва бунда ҳар бир дом-

лага ўзига хос баҳо бериларди. Улар Сайди аканинг маърузасини тинглаш ва у берган адабиётларни, албатта, ўқиш кераклигини таъкидлашарди. Бу устознинг ҳар бир давр журналистикасини мунтазам қузатиши, ўрганиши, яхшиларини саралаб талабаларга илиниши, домлалар тилида айтганда, маърузасининг мисолларини, адабиётлар рўйхатини доимий янгилаб бориши билан кўзга ташланарди. Вақти келганда биз ҳам анъянага кўра кейинги курсларга устоз ҳақида ана шу маълумотларни етказдик.

Сайди ака — талабаларнинг ҳақиқий дўсти. Имкони борича улардан ёрдамини аямайди. Буни унинг жуда кўп шогирдларидан эшитганман.

Ўз даврида меҳмон ижодкорларга ноқулай саволлар бериб, шов-шувга сабаб бўлиб, факультетдан чиқарилган, устознинг кўмаги билан яна талабаликка тикланиб, бугун ҳаётда ўз ўрнини топган уч оғайни ботирлар фикрини ўқиб кўринг:

"Сайди Умр домла ўзида мужассам этган фидойилик, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек эътибор, тўғрисўзлик, ўз шогирдларини ҳамиша тушуна билиш ва ҳимоя қилиш каби фазилатлар ҳамма мураббийларга ҳам насиб этавермайди. ТошДУ журналистика факультетида ўқиб юрган пайтларда Сайди Умр домла факультет раҳбари эди. Домлага энг муносиб таъриф — ДЎСТ. Ўша йиллар устозга энг кўп ташвиш келтирган биз бўлсан керак... Домла бирор марта бизга бўлган меҳрини, са-мимиятини ўзгартирмади. Ана шунда билдикки, УСТОЗ бўлиш, ДЎСТ бўлиш учун нақадар бағрикенглик, олий-жаноблик керак экан. Олимлик ва одамийлик ҳақида гапиришнинг ҳам маъносига кўпроқ тушуниб етдик". (Б.Пирнафасов, Ф.Арзиеv, А.Шойимов. Талабаларнинг катта дўсти// "Адолат" газетаси, 1998 йил, 13 феврал).

Камина ҳам УСТОЗнинг бундай МЕХРИ, ДЎСТлигига кўп бора дуч келган. Улардан бирини эсласам. ТошДУ журналистика факультетини тугатиш арафасидамиз. Якуний давлат имтиҳонини топшириб, факультет фоесида баҳоларимиз эълон қилинишини кутяпмиз.

Имтиҳон бўлиб ўтган аудиториядан Сайди ака шитоб билан чиқди-да, "Ҳалимжон, бир дақиқага келасизми", дея мени ўзи томон чорлади. Юзида жаҳли чиққанда пайдо бўладиган қизиллик.

— Ука, биз домдаларингиз анча тортишдик, диплом ишингиз аъло эди, афсуски, давлат имтиҳонида баҳоингиз тўрт бўлиб қолди, ука. Сиз, хафа бўлманг, хўпми, — деди юпатиб.

Ерга урса, осмонга сапчийдиган давримиз, қолаверса, истиқдол арафасида вужудга келган эркин мұхит эмасми, ўқиш жараёнида курсимизга сабоқ берган, тўғрироғи, бера олмаган бир неча домлани "дарсдан қувган" биз талабалар учун бу табиий ҳол эди.

— Домла, раҳмат сизга, лекин тўрт ҳам ёмон баҳо эмас-ку, асосийси, ёзишни ўрганиб олдик-ку, қўяверинг, — дея гёё тўрт олган Сайди ака-ю, юпатган бўлиб, "доно" лигимни кўрсатганим бор гап.

— Сиз, барibir, Беҳбудий ҳақидаги диплом ишингизни номзодлик ишига айлантиришингиз керак, — дея устоз яна шитоб билан аудиторияга кириб кетганди. Ўшанда амалиётта ошуфта бўлиб, ўқиши "беш" баҳога битириш келажакда аспирантурага кириш учун енгиллик бериши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Аммо Сайди ака комиссия аъзолари билан каминанинг беши учун курашгани замирида фақат талабани ҳимоя қилиш эмас, бошқа эзгу мақсад ҳам бўлгани ҳақида кейинги фаслда алоҳида тўхталамиз.

Сайди ака ҳозир ҳам шундай. Имкони бўлди дегунча талабаларга яхшилик қилишга ошиқади. Домла, талаба ва раҳбариёт ўртасида жарлик пайдо бўлса, уларни бирбирига боғлаб, кўприк вазифасини ўташдан қочмайди. Бир кўприкки, меҳр билан елка тутади, ҳеч нарса таъма қилмайди. Максималист талабани ҳаётнинг тўғри ўзанига солишга ҳаракат қиласди, домлаю раҳбарларни, ёшлиарни тушунишга чорлайди.

Сезган бўлсангиз, илк фаслимизда устоз Сайди Умировнинг педагогик маҳорати, мураббийлик меҳри ҳақида унинг дўстлари, шогирдлари фикр юритадилар.

Саъдулла ҲАКИМ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмаси раиси

УЛУФ ЁШЛИ ЙИГИТ

Мен машинадан тушиб, қучоқ етмас саккизта устунли салобатли бинога ўрмалаб кетган кенг зинапоялар оша киравериш эшигига назар соламан. Бу бино ўша машхур "Навоий—30" деб аталувчи иморат. Шу асно ён томондаги зиналардан ўрта бўй, оқ оралаган сочларини орқага тараган киши, ҳеч ёққа қарамай, шитоб билан эшикдан кириб кетади. Мен ҳам ичкарига қадам кўяману, салом-алиқдан сўнг, маҳсус либос кийган қоровуллардан "Ҳозиргина улуф ёшли бир йигит кириб келдими?", — деб сўрайман. "Ҳа, — дейишиди улар кулимсираб. — Чопқиллаб чиқиб кетдилар".

Қирқдан зиёд зинани босиб, учинчи қаватга кўтарилиман. Шу қаватда Журналистлар ижодий уюшмаси жойлашган. Ҳеч ким йўқ. Узун йўлакда ҳам одам қораси кўринмайди. Хонага кираману, одатдагидек, ишга шўнгийман. Кўп ўтмай, эшик очилади.

"Саъдулла, яхшимисиз", — деган овозга пешваз чиқаман. Қучоқлашиб кўришамиз. — "Жаҳон адабиёти"га бир нарса берган эдим. Кейинги сонида чиқар экан. "Хуррият"га кирдим. Ўқтамга мақола қолдирдим. Сурхондарёдан ёзиб келдим. Ҳей, бир ўзгаришлар. Қойил, дейсан. Ҳаммасидан 3 августдаги учрашув зўр бўлди-а! Президентимизнинг ҳар бир гапи мafизли, ҳар бири юракни жизиллатадиган гаплар. Шу ёшга чиқиб бундай учрашув бўлганини билмайман. Ўзим ҳам умримда бун-

дай катта йигинда қатнашмаганман, Таассуротларимни ёздим. "Адабиёт ва санъат" газетасида чиқди. Ўқидингизми? Сизники ҳам бор экан. Яхши ёзисиз.

Саъдулла, қаранг, журналистларга бунаقا эътибор бўлган эмас. Мен эслолмайман. Энди енг шимариб ишлашимиз керак. Ўшанда, мен ҳам сўз сўрасамми, дедим. Ултурмай қолдим. Айтадиган гапларим бор эди".

Кейинчалик у кишининг мана шу "Айтадиган гапларим бор эди", деган сўзлари анча вақт хаёлимда айланниб юрди. Айтар гапи бор бўлиш қандай яхши! Ахир, айтар гапи бор одам ҳамиша элга интилади, кўнглидагини кўпчиликка айтгиси келади. Ижоддан, изланишдан тўхтамайди. Ижоддан бошқа нарса хаёлига ҳам келмайди.

Мен бир гал сўраганман: "Устоз, шу ёшдаям чопқиллаб, ёзиб-чишиб юрасиз. Талабалардан айрилмайсиз. Сизни доим хушчақақ кўраман. Сири нимада?". У киши шундай жавоб берган: "Сирини билмадиму мен шу майда-чуйдага эътибор бермайман. Бирорлар ҳар нарсага инжиқланиб, ўтган нарсаларга ўралашиб юради. Ўтган ўтди, эртани ўйлаб яшаш керак-да. Олдинда қанча катта ишлар турибди. Шахматингиз борми? Илгариги ишхонангизда бўларди. Бир қўл кўтардик-да. Мен ҳозир "Оббо мен-эй!" деган даражада қучайганман. Бўпти, кетдим. Сафар Остоновга бир учрашишим керак".

Хуллас, у киши қандай шитоб билан кириб келган бўлса, шундай шошиб чиқиб кетди. Мен эса, устознинг юзлаб шогирдларидан бири, "улуф ёшли бу йигит"ни ҳавас билан кузатиб қоламан ва тилак қиласман: юзларга кириб юринг, устоз Сайди ака!

Акбар НУРМАТОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети Халқаро журналистика
назарияси ва амалиёти кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди

ТАЖРИБАЛИ ПЕДАГОГ

Домла Сайди Умиров ҳақида гапирганда, аввало, у кишининг педагогик, устозлик фаолияти кўз ўнгимга келади. Йигирма йилдирки, бирга ҳамкорлик қилиб келамиз. Домладан устозликнинг жуда кўп сир-асорларини ўрганиб келмоқдамиз.

Сайди ака дарсга жуда масъулият билан ёндашади. Мўътабар ёшга киришига қарамасдан ўз вақтида машгулотга киради. Ўз устида ишлашдан чарчамайди. Маърузаларига янгиликларни мунтазам киритиб боради. Замон билан ҳамнафас, бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни назарда тутиб машгулотларни ташкил этади. Тўғри, домлада катта ҳаётий, педагогик тажриба бор, лекин шунга қарамасдан у ўрганишдан тўхтамайди. Ҳатто, бошқа ҳамкаслар юраги дов бермаган янги фанни юкласангиз ҳам уни тезда ўқиб-ўзлаштириб олади.

Яна бир эътиборли жиҳат — домла ҳеч қачон талаба билан конфликтга бормайди. Улар билан ҳақиқий устозлик мақомида туриб муомала қиласди. Шу билан бирга талabalарга бағрикенглик билан муносабатда бўлади, уларни ўзига teng кўради. Бирор талаба буни баъсан суиистеъмол қилганда ҳам хафа бўлмайди, кек сақламайди. Бирорга қаттиқ гапириб, жаҳл қилмайди.

Сайди ака оддийгина шахмат ўйнаётганда ҳам айни ўзи тушиб қолган ҳолатни жуда чиройли иборалар билан тасвирлайди. Бу ҳам одамга ибрат ва жўшқинлик

беради.

Кафедра иши жараёнида гоҳида ўткинчи муаммоли вазиятлар бўлади. Шундай пайтларда ёш ўқитувчиларга доимо тўғри йўл кўрсатиб келмоқда. Ўқитувчилар ўртасида, ўқитувчи ва талабалар ўртасида турли конфликтлар келиб чиққанда, комиссия аъзоси сифатидаadolat билан муаммони чиройли тарзда бартараф этишга ўзининг беминнат ҳиссасини қўшади.

Улуғ ёшингиз муборак бўлсин! Барчамизга яна узоқ йиллар устозликда ўрнак бўлиб юринг!

Чори ЛАТИПОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

ШОДЛАНИБ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН УСТОЗ

Сайди акадан, аввало, ҳаётни севишни ўрганишимиз керак. Бу одам атрофидагиларга яхши кайфият улашади. Таҳририятга келганларида чарчоқ ўрнини хуш кайфият эгаллайди, ақлий меҳнат — ўқиш, ёзиш, таҳrir жараёнида тиришган пешона жойига қайтади, чимирилган қошлиар ёйлади.

Бошқа жиҳатдан, меҳнат қилиб чарчамасликни ҳам Сайди акадан ўрганишимиз керак. Меҳнатдан толиқиб қолдим, юзакироқ қилиб бажариб қўяй, деган ўй йўқунда. Ишчи кайфиятни қувноқ кайфият билан қоришириб юрадиган одам. Шунинг учун ишда самара ҳам, сифат ҳам бор, кўнгилда кайфият ҳам соғлом. Устознинг шогирдларини сўрасангиз ҳисобига етмайсиз, дўстларини сўрасангиз ҳам ҳисобига етмайсиз, ҳамфир-

ларини сўрасангиз ҳам ҳисобига етмайсиз.

Журналист ёки адабиётшуносларнинг фикрига одамларнинг эллик фоизи қўшилса, қолган эллиги унга қарши бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Лекин Сайди акага катта фоиз доим фикрдош бўлади. Негаки, у жамиятга, яхшиликка фикрдош одам. Мен ҳам у кишини, гарчанд қўлимга қалам тутқазиб сабоқ бермаган бўлса-да, ўзимга устоз деб биламан. Шу кунларда ҳам маслаҳат сўраймиз, фикрини айтади. Баъзида мавзу айтамиз, тез кунда ёзиб келади. У ёшларимизга нисбатан ижрочироқ ҳам. Хулласи калом, устоз ажойиб хислатлари билан барчамизга намуна, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган маърифатли инсон сифатида ибрат бўлиб юрибди.

Сайди aka ҳаммамиз ҳавас қиласидиган ёшда! Соғлик-саломатлик, ижодларига барака тилайман.

**Фармон ТОШЕВ,
"Зарафшон" ва "Самаркандский вестник"
газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири**

ДАРСИ МУЛОҚОТГА АЙЛАНАДИГАН ДОМЛА

Яқинда журналлардан бирида таҳририятга эндигина ишга кирган қизнинг мақоласи берилибди. Имзосининг остида "журналист" деб ёзилган. Эҳтимол, у мўъжизавий иқтидор соҳибасидир, аммо... Тасодифий ёки навбати билан мусахҳих, муҳбир, катта муҳбир, бўлим мудири, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир бўлиш ҳам мумкин. Бироқ, журналист штат бирлигидаги вазифа ёхуд унвон эмас. Унга маҳоратни

ошириш ва имзо билан танилиш орқали эришилади.

Сайди Умиров журналист деган номни олиш учун ярим асрдан ортиқ тер тўқади. У киши бирорта таҳририятда узок йил муқим ишламаган бўлса-да, лекин фаолияти давомида журналистикага айрим нашрлар раҳбарларидан кўп ҳисса қўшган инсон — олим. Ўзи қатнашган ҳар бир тадбирдаги жараён ҳақида долзарб мақола ёзади. Ёзувчилар ёки журналистлар ижодий уюшмаси йўлланмаси билан жойлардан тайёрлаб келган мақола ва эсселари, очеркларини тўпласа, ҳар бири битта китоб бўлади.

Сайди Умиров мени (бошқа ҳамкасларимни ҳам) ўзининг дарсларига таклиф этади. Ҳар бир сабоқ жонли мулоқотга айланиб кетади. У киши аудиториядаги сабоқ билан чекланмайди. Гоҳи шогирдлари таклифи бўйича, гоҳида эса ўз ташаббуси билан минтақалардаги таҳририятларга ташриф буюради. Ўзи бир вақтлар таҳсил берган журналистлар ишини синчковлик билан ўрганиб, керакли бўлган маслаҳатларини беради.

Мисол учун, бизнинг даргоҳга — Самарқанд вилоят "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари таҳририятига 2017 йилда беш марта ташриф буюрди. Семинар ва китоб тақдимотларида иштирок этди, одатига кўра, газетамизга уч-тўртта мақола ҳам ёзиб берди. "Ўзбекистон матбуоти" журналида Самарқанд журналистика мактаби тўғрисида ёзган мақоласи биз учун устоз эътирофидир. Раҳмат!

Сайди aka ҳақида кўп ва хўп ёзиш мумкин. Яхшиси, азиз китобхон, 80 ёшида файрати жўшиб турган бу инсоннинг дарсига киринг ёки таҳририятингизга таклиф этиб пурмаъно сабоғидан ҳам, суҳбатидан ҳам ҳузур қилинг. Энг муҳими, ватанпарвар, шогирдпарвар ва касбини севувчи ҳамкаслаб қандай бўлиши кераклигини ёрқинроқ тасаввур этасиз.

Абдуғани ЖУМАЕВ,
фоторассом, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

ҲАМОН ЎРГАНИШИДАН ҲАЙРАТДАМАН

Сайди ака серқирра устоз, олим, ижодкор. ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида талабаларга сабоғини, вилоятма вилоят юриб публицистик асар ёзишни тұтатмайды.

Саксон ёшини нишонлаётган бу инсоннинг ҳамон ўқиб, изланиши, хусусан, фотожурналистика соҳасини ўрганишга киришганини кўриб, түғриси, ҳайратда қолмоқдаман. Билсам, унга фотожурналистика курсини талабаларга ўтишни топширишибди. Фотографияни тушуниш, бадиий фотографиянинг ўзига хосликлари, фотожурналист маҳорати бўйича мен йиққан барча китобларни бирма бир олиб, ўқиб-ўрганиб келади. Суҳбат қурамиз, гапириб беради, баҳслашамиз, уни эшитиб бир хурсанд бўламан, бир хурсанд бўламан. Биргалишиб фотокўргазмаларга борамиз. Бугунги фотожурналистлар ижодий ишларининг ижобий жиҳатларини ва, албатта, хатоларини ҳам у ерда муҳокама қиласиз. Баъзи фотоижодкорларимизнинг камчиликларидан, беътиборликларидан ранжиб, ориятим қўзиб, гапириб қўйиб, "танқидим билан бировларни хафа қилиб, нима қилдим, зарилми шу менга", десам, "Абдуғани, Абдулла Қаҳҳор танқиди бўлмагандა ўзбек адабиёти бунчалик ривожланмасди, шу боис ҳар бир соҳа вакилларини тартибга чақириб турадиган ўз Қаҳҳори бўлиши керак, акс ҳолда юксалиш бўлмайди", дейди. Рост айтади. Фотожурналистиканинг сирларини, соҳа даргалари асарларини кўпчилик фотожурналистлардан кўра Сайди ака ўрганиб, билиб турибди. Мунтазам ўқиб, ўрганишни

худо юқтирган экан бу инсонга. Камина ижоди ҳақида учта мақола эълон қилибди. Кутмаган, айтмаган эдим, хурсанд бўлдим, билиб ёзибди.

Айни пайтда ҳам битта ажойиб китобим у кишининг кўлида. Ўқиб, ўрганиб ўргатишдан тўхтаманг, умрингизга барака тилайман.

Беруний АЛИМОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети тадқиқотчиси

ТАҚДИРНИ БЕЛГИЛАГАН ТАВСИЯ

1993 йил 17 декабрь. Бу кунни ҳозиргача тўлқинланниб эслайдиган ҳамкасларимиз кўп. Чунки айнан шу куни 11 нафар журналист Ўзбекистондан Ҳиндистонга қарийб ярим йиллик муддатга малака ошириш учун сафарга отланишиди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ҳиндистон оммавий коммуникация институти (ПМС)га бир гуруҳ ўзбек йигитларининг ўқишига кетиши — ўша даврдаги миллий журналистика мактаби учун оламшумул воқеа бўлган эди.

Кейинги чорак аср давомида журналистика таълими соҳасида ПМС ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик алоқалари яхши ривожланди. 1993 йилдан бошлаб мазкур институттуда 50 нафардан зиёд ўзбекистонлик журналистлар "Янгиликлар агентликлари журналистикаси" (News Agency Journalism) ўқув курсларини тамомлаб қайтишиди. Улар бугунги кунда республикамизнинг етакчи оммавий ахборот воситалари, вазирлик ва идораларда самарали хизмат қилишмоқда.

Айтиш керак, биринчи маротаба мазкур курсга асо-

сан профессионал журналистлар танланган бўлса-да, уларнинг орасида биз, яъни ўша пайтдаги Тошкент давлат университетининг журналистика факультети талабалари ҳам бор эдик. Тўғриси, қувончимиз ва ҳайратимизнинг чек-чегараси йўқ эди.

Каминани ушбу курсларга шахсан деканимиз — Сайди Умиров тавсия қылганлар. Шу туфайли мен у кишидан бир умр қарздорман. Тўғри-да, эндигина журналистика оламига қадам қўяётган ёш болага ҳам оқ йўл тилаб, ҳам машаққатли қасбга нисбатан меҳр ва ишонч уйғотишнинг ўзи бўладими...

Устознинг берган ана шу тавсияси том маънода профессионал фаолиятим ва тақдиримга таъсир ўтказган. Ҳиндистон сафарига берилган оқ фотиҳа кейинчалик қатор журналистика ва дипломатик вазифаларда ишлашимга, қолаверса, Европа, Осиё ва Африканинг 20дан зиёд мамлакатига боришимга замин яратган.

Мана, дунё ҷархпалағи айланиб, бугун яна домла билан биргамиз, бир аҳил жамоада меҳнат қиласяпмиз.

Сайди Умиров нафақат талабалар, балки биз каби ўқитувчи-тадқиқотчилардан ҳам ўз маслаҳат ва тавсияларини аямайдилар.

Бахтимизга омон бўлинг, устоз!

ДАРС ЖОЙИДАН РЕПОРТАЖ

Шинам аудиторияда сабоқ кетмоқда. Ҳушёр бир сукунат чўмган. Пашибанинг финғиллаши момақалдириқ гумбурлашидек эшитилади. Талабалар бутун вужудлари қулоқ бўлиб устознинг вაъзини тингламоқда, муҳим ўринларини дафтарларига қайд этиб қўйишмоқда. Бу машғулот юқори пардаларда қўнғироқ жаранглагунча давом этади. Соҳасининг пири бўлиб кетган устоз гапни нимадан бошлаб, қандай тутатишни роса чамалаб ол-

ган. Буни ўзича "композиция" дейди. Мазкур тушунча алоҳида сабоқ сифатида талабаларга ҳам ўргатилади. Ахир улар фақат назария билан қуролланиб қоладиган кишилар эмас, балки ўргангандари асосида ижод қиладиган соҳа мутахассиси. Қолаверса, айнан шу хусусият касбнинг асосий белгиси ҳисобланади. Олим назарияни билим сифатида сақлайди, журналист эса назария билан қуролланиб, ижод қилади. Маърузада давом этар экан, тингловчиларни бир қур назардан ўтказиб, устознинг кўнгли ҳаприқиб кетади. Талабалар ҳам чакки эмас, кўпларининг биринчи китоблари аллақачон нашр этилган ёки исми шов-шувли чиқишилари билан тилга тушган. Шогирлар камоли устознинг баҳти-да. Шуларни хаёлдан кечириб, устоз пардани яна ҳам баландроқ олади, жаҳон журналистикаси тарихидаги энг илгор тажрибаларни "майдонга тушириб", талабалар қизиқишини баттар орттиради. Сабоқ шу тахлит давом этади.

Устоз Сайди Умировни мен шунаقا "турмуш тарзи"-да тасаввур қиласман. Балки бул зот билан илк учрашувим дорулфунун аудиториясида рўй берганиданми, устоз доим талабаларига сабоқ берадиган алфозда муҳрланиб қолган. Ҳолбуки, кейинчалик ҳаёт кўрсатди — Сайди Умиров фақат мударрис эмас, ёзувчи-публицист, жамоат арбоби, таълим ташкилотчиси, ёшларнинг севимли мураббийиси ҳам экан.

Устоз эсадаликларининг бирида: "Журналистика факультети ўқитувчи илм, ижод, мураббийликни бирга кўшиб олиб бормоғи ҳам фарз, ҳам қарз, айтганингни ўзинг амалда кўрсатиб берсанггина талаба сенга ишонади. Бирор чолғу асбобини чалолмаган кишининг мусиқа билим юртида ишлаши, копток тепишни билмайдиган одамнинг футбол тренери, сузишни билмайдиган одамнинг сузишдан йўриқчи (инструктор) бўлиши шубҳали". Нақадар адолатли эътироф, қолаверса, ўзига

ишонган ва ўзига нисбатан талабчан мутахассиснин икрори. Шубҳасиз, Сайди ака биринчи тоифага мансуб, аммо ул зотнинг қолган икки тоифа, айниқса, учинчи тоифага хос "одам"лар билан ҳам бир умр ишлаб келганини тарозига қўйисак, бундай очик эътироф, мардлик қанчадир таъналарга, фитналарга, "кўз остидан тешиб юборгудек" қарашларга сабаб бўлганини ҳам тасаввур қилиш қийин эмас. Ахир ҳеч бир каззоб (ўз соҳасига номуносиб шахсни шундай аташ шаккоклик бўлмаса керак) ширин луқмасидан осон ажраб қолишни хоҳламайди, қолаверса, танда қўйиб олган иссиқ жойини "қурбонсиз" бўшатиб қўймайди.

Шуниси эътиборлики, домланинг факультет(лар)даги фаолияти майда-чуйда иззатталабликлардан юқори, улуғвор ва саховатли кечган. Унинг маъruzalariдан кўпчиликнинг касбий малакаси шаклланган бўлса, ҳаётий ўгитлари орқали яшаш илмидан сабоқ олган, тўғри йўл-йўриқлари мақсаддага эришишнинг ишончли воситаларини топишида асқотган.

Ҳар бир соҳанинг ўз хосликлари бўлганидек, журналистиканинг, журналистика факультетининг ҳам сирсиноатлари мавжуд. Агар бўлажак касб соҳиби ҳам, унда сабоқ берадиган устоз ҳам ана шу "сир"ни тушуниб етмаса, умумий хорга қўшила олмайди. Бу соҳа тинимсиз тарашлаб туриладиган ва фақат асил ўзагигина қоладиган савр дарахтига ўхшайди. Жараён мана бундай: кўплар "журналистика" сўзининг жарангига учиб" (устоз Очил Тоғаев ибораси) бу соҳага қадам қўяди. Кириш имтиҳонларидан ўтади ҳам, аммо дастлабки сабоқларданоқ хатосини тушуниб, факультетни тарк этади. Бу жараён охирги курсгача давом этади. Кўлга диплом теккак ҳам айримларнинг ишлаб кетиши қийин кечади. Ишлаганлар қаторидан ҳам маълум қисмнинг юлдузи ёрқин порлайди. Бу шафқатсиз "пирамида" устоз Сайди Умировга

тажрибадан ёд бўлиб кетган. Ва вақтида берилган тўғри йўналиш баъзиларнинг умрини бекорга совурилишининг олдини олиши ҳам айни ҳақиқат. Бироқ умидли дунё, шундай пайтда домла шогирдларига бу соҳа тинимсиз ўқиб-ўрганишни талаб қилишини, бунинг учун филнинг кучи, тоғнинг сабри лозимлигини ҳам қатъий таъкидлайди. Бугунги кунда миллий журналистикамизда фаолият кўрсатаётган ходимларда ушбу эслатишлар касб йўриқномаси бўлиб қолган ва унга амал қилгандар юқори марраларни забт этиб боришаётди.

Сайди акага кўплаб устозларимиз орзу қилган толенасиб этди (бу ҳам Яратганинг инояти), меҳнатлари қадр топди, кўплаб китоблари нашр этилди. Бугунги кунда миллий журналистикамизнинг чинакам корифеий мақомига сазовор бўлди. Шуниси эътиборлики, ўз маслагига содиқ қолган устоз донишманд мударрис бўлиш билан бирга ижодкорликда ҳам талабаларга ўрнак бўлиб келмоқда. Яқинда "Хуррият" газетасида эълон қилинган Навоий иқтисодий зонаси ҳақида "Юксалишнинг алп одимлари" очеркини ўқиб, ҳали устоздан ўрганадиган нарсаларимиз кўплигига амин бўлдим. Таҳлилий-иктисодий йўналишдаги очеркда журналистика назариясида жамланган қоидаларнинг амалдаги истифодаси ўз аксини топган, мужассамлашган. Шу маънода уни ўқув қўлланмаларига киритиш мумкин. Ёки дунё миқёсидағи машҳур зот Чингиз Айтматов ҳақидағи тадқиқотларининг энг нуфузли нашрларда эълон қилиниши нафақат устознинг, балки журналистикамизнинг ҳам ютуғи. "Сайёравий тафаккур адаби" тадқиқоти билан устоз шогирдларига писандга қилаётганга ўхшайди: "Сизлар ҳам Чингиз Айтматовдек бўлинглар, шунда мен сиз ҳақингизда мақола ёзаман". Эзгу тилаклар ижобат бўлиб қолиши ҳам узоқ эмасдир, негаки, бугунги кунда кўплаб қаламкашлар мустақил давлатимиз равнақи йўлида му-

носиб хизмат қилмоқдалар.

Аудиторияда сабоқ давом этмоқда. Бугун янги мавзу. Устоз ҳам янгича усул қўллаган. Ўртага савол ташланади: "Айтинг-чи, корреспонденция нима?" Кимдир "Кичик мақола" деб жавоб қайтаради, бошқаси эса бадиий тус беради "Мақоланинг укаси". Иштибоҳ пайдо бўлади ва устоз заргарона назар билан бу икки жанрнинг фарқини тушунтириб беради. Устознинг фикрича, назарий тайёргарлик, бу — аккумуляция қилинган энергия. Машинанинг бензини қанча кўп бўлса, у шунча узоқ йўл босади — устоз хulosасининг ҳалқона талқини шундай. Сайди Умировнинг шогирдларини доим ўқиш-ўрганишга, изланишга чорлаши шундай мантиқа асосланган. Устознинг ўзи эса тўлишган бир даражада. Энди умрнинг ушбу фаслида илм-билим билан бақамти ҳаётий тажриба, яхшилар ибрати, келажакка ишонч ва яна бошқа омиллар энергия манбаи бўлиб турибди. Бу манбанинг доим тўлишиб, узоқ йиллар дилларга нур улашишини истаймиз.

**Камоли эҳтиром билан, талабангиз
Ҳаким САТТОРИЙ**

Иккинчи фасл

ОЛИМНИНГ ИЛМГА ДАЪВАТИ

Ёдингизда бўлса, биринчи фаслда Сайди аканинг якуний давлат имтиҳонидан бир талаба олган "тўрт" баҳодан норизо бўлиб, ҳамкаслари билан тортишгани ҳақида ёзган эдик.

Университет таҳсили даврида ҳам ишлаб юрганимиз боис, ўқиш тугагани билинмади, амалиётга ўйнғиб кетдик. Орадан уч ой ўтар-ўтмас домла каминани излаб "Оила ва жамият" газетаси таҳририятига кириб келди.

— Ука, факультетимиз учун аспирантурага ўрин ажратиши. Сизни таклиф қилгани келдим. Диплом ишингиз мавзусини кенгайтиринг, тадқиқотни давом эттиринг. Қатағонга учраган боболаримиз хизматини сизларга ўҳшаган ёшлар илмий жиҳатдан асослаб, кўрсатиб беришлари керак.

"Илмдан кўра амалий журналистика кўнглимга кўпроқ ёқади" сингари гапларим унчалик ишончли чиқмади шекилли, домла "иккаласи билан ҳам шуғуллана-верасиз", деди-да сұхбатга нуқта қўйди. Ҳужжатларни тайёрланг, деди. Расмиятчиликка нўноқлик қилдим чоғи ўзи ёрдам берди. Имтиҳонларни қандай топшираётганимни суриштириб турди... Қисқаси "Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти" мавзусидаги диссертациянинг дунёга келишида устозлар Маҳмуд Саъдий, Бойбўта Дўстқораев қаторида Сайди Умировнинг ҳам хизмати бекёёс деб биламан. Ваҳланки, у собиқ талабаси ишлётган таҳририятига келиб, аспирантурага ҳужжат топширишга кўндириши шарт эмасди. Қолаверса, Беҳбудий ҳақида диплом иши совет мағкураси сабаб маърифатпарвар боболарнинг ҳаёти ва ижодига паст назар билан қараган, дарсларида бот-

ЯХШИЛИКШУНОС

бот ўзининг шундай муносабатини кўрсатган бошқа бир домламизга қарши ўлароқ, таъбир жоиз бўлса "қасдма қасд" ёзилган бўлиб, келажақда уни диссертацияга айлантириш мақсади йўқ эди.

Лекин шу ўринда устоз фақат талабани эмас, у амалга ошириши керак бўлган тадқиқотни, ўз-ўзидан боболар қолдирган меросни тиклашни, шу йўналишдаги илмни ривожлантиришни биринчи навбатда ўйлаган, деган фикрга келдим. Негаки, тадқиқот, унинг жамият учун заруратини ўзи босиб ўтган йўл орқали олим чуқур англайди.

Илм аҳли Сайди аканинг номзодлик тадқиқоти маъзусини яхши эслар экан. Улардан сўраганимизда "Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича" қабилидаги жавобни кутгандик. Йўқ, устоз "Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий деталдан фойдаланиш маҳорати"ни тадқиқ қўлганини кўпчилик аниқ-тиник эслашди. Ростданам шундай, аниқроғи, диссертация "Характер ва шароит тасвирида бадиий деталнинг роли(Абдулла Қаҳҳор прозаси асосида)" деб номланган. Илмий раҳбари таниқли жадидшунос олим Солих Қосимов эди. Машҳур адабиётшунос олим Лазиз Қаюмов, таниқли адабимиз Пиримкул Қодировлар оппонентлик қилишган. Абдулла Қаҳҳор кутилмагандан диссертация ҳимоясида иштирок этиб, якунида тадқиқотчини табриклаш билан кифояланади. Кейинчалик Абдулла Қаҳҳорнинг бетакрор шоириз Абдулла Ориповга айтган фикри кўпчиликка маълум: "Бу бола яхши нарса ёзибди, кичик қисмнинг катта аҳамиятини кўрсата билибди". Ўта талабчан Абдулла Қаҳҳорга бир нарсани маъкул келтириш нақадар мушкул бўлганлигини уни билганлар кўп бора айтишган.

Сайди ака ёш тадқиқотчилар — бугун филология фанлари доктори ҳисобланган Ёқутхон Маматованинг, фаолиятини тележурналистикага бағишилган Гуландом Тоғаева, Амрулла Каримовнинг номзодлик ишларига илмий раҳбарлик қилган.

Англаганингиздек, навбатдаги фаслимида Сайди Умировнинг илмий фаолияти борасида фикр юритилади.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби, академик

ОЛИМНИНГ ПУБЛИЦИСТИК ТРИАДАСИ

Тошкентдек азим шаҳарда ўз касбининг ҳалол усталири ҳам, юлдузни бенарвон урадиганлар ҳам бисёр. Бу масканда насибангни териб, уй-жойли бўлишинг нишмалардир орттиришинг ҳам мумкинdir, лекин ҳақиқий ҳурмат, иззат-икром топишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун юмушнинг сир-асрорларини изчил ва меҳр билан эгаллаш, билимдан ташқари пешонага ёзилган касбкорга фидойилик, садоқат, сабр-чиdam, интилиш, танинган ва танимаганлар, ҳурмат қўлганлар ва ҳатто ёқтиргмаганлар томонидан эътироф этилиш каби кўпдан-кўп фазилатлар талаб этилади.

Таниқли олим, ҳассос публицист Сайди Умиров журналистикага, мақоланавислика чексиз меҳр ва садоқат кўрсатди. Унинг талабларига жонкуярлик ва фидойилик билан ёндашди. Барча соҳада бўлганидек, бу садоқат, бу фидойилик ўз самараларини бермай қолмади. Шогирдлик мақомини аъло даражада ўтаган ёш истедодни ҳаёт ҷархпалағи устоз мақомига, бир неча авлод қаламкашларининг устози даражасига олиб чиқди.

Хозир Ўзбекистонда меҳнат қилаётган малакали журналисларнинг аксариятига, кўплаб шоир, адаб, олим, таржимонларга бевосита ёки билвосита унинг меҳнатлари сингган, десам муболагага йўйманг. Салкам ярим аср мобайнида Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетларида раҳбар, кафедра мудири, доцент лавозимларида меҳнат қилиди, меҳнат қилиб келмоқда. Журналистика, ижод соҳасига даҳлдор раҳбарият ходимлари, матбуот, ахборот агентликлари, радио, те-

ЯХШИЛИКШУНОС

левидение ва нашриётлар таҳририят аъзолари Сайди Умировни эҳтиром билан УСТОЗ дейишлари бежиз эмис

У ижодини илмдан бошлади. Йигирма саккиз ённи фан номзоди бўлди. Ёзувчи асарларида тафсилот (деталь) кўлланишидаги маҳоратни чуқур ўрганганд олим нинг, кейинчалик, нашр этган ўн китоби, юзлаб мақо лаларида долзарб муаммолар теран ёритилишидан ташқари худди шу хусусият — деталлардан моҳирона фойдаланиш унинг ўз ижодида ҳам ёрқин намоён бўлди. "Шарқ юлдузи" журналининг 1967 йилги сонларида босилган "Деталь — изқувар кўмакчиси", "А. Қаҳҳор — деталь устаси" мақолалари ҳақида ҳассос мұҳаррир иш мұнаққид Маҳмуд Саъдий илиқ фикрлар билдиради, шу зайлда давом эттиришга даъват этади.

Ўтган асрнинг 70 йиллари аввалида Сайди Умировнинг мўъжазгина бир китобчasi босилиб чиқди. Бу "Миллий маданиятлар ривожида танқидчиликнинг роли" (1972) номли рисола эди. Тўғри, унда замоннинг мағкуравий излари сезилиб туради. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас. Бу рисолани ўз вақтида ким пайқади, ким пайқамай қолди. Ҳозир бу китобчага ургу берастганимнинг қўйилган мақсад доирасида баҳоли қудрат, ихчамгина ёритилган муаммо фақат ўз даври учунгина эмас, ҳозир ҳам мұхим. Бу масала ўз вақтида дуруст ўрганилмади, бутун ҳам, афсуски, етарли ўрганилмаётir. Ҳолбуки, миллий адабиётлар равнақида, бошқа омиллар қатори, хусусан, адабий танқиднинг ўрни ва роли очилиши кўплаб ижобий самаралар бериши мумкин.

Иккинчидан, ёзиш учун, ёритиш учун аввал мұхим муаммони, зарур масалани аниқлаб олиш, сўнг унга кўл уришга интилиш ўша вақтлардан буён Сайди Умиров ижодининг етакчи хусусиятларидан бири бўлиб қолди.

Ижодини ўн тўққиз ёшида Пўлат Мўминнинг "Совфа" тўпламига ёзилган, "Ўзбекистон матбуоти" газетасида чоп этилган тақриздан бошлаган (1957) Сайди Умиров шу тариқа жаҳон миқёсида эътибор қозонган ёзувчилар ижодини таҳлил эта олиш даражасига кўтарила

борди. 2004 йилда Москвада нашр этилиб, халқаро миқёсла шуҳрат қозонган "Чингиз Айтматовнинг нажот кемаси" ("Ковчег Чингиза Айтматова") номли, ёзувчи ўз назваридан ўтиб тайёрланган китобдаги "Сайёравий миқёсла фикрловчи адиб" сарлавҳали деярли икки босма табоқ ҳажмдаги салмоқли иш (китобдан ўрин олган энг катта мақолалардан бири) фақат Сайди Умировгина эмас, умуман, ўзбек адабиётшунослигининг ютуғи, айни чоғда кенг доиралардаги эътирофи эди. Ҳақгўй ва талабчан мунаққид Санжар Содиқов унинг мазкур мақоласи ҳақида илиқ фикр юритиб, бу тадқиқот "ўзбек танқидчилигининг ҳозирги шароитда ҳам мамлакатимиз ҳудудларидан ташқарида эътибор қозониш, равнақ топиш имкониятлари мавжудлигини исботлади", деб ёзди.

Мунаққиднинг ўнлаб ёзувчи, шоир, танқидчи, адабиётшунос, журналист, таржимонларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида мақолалари, уларнинг янги нашр этилган китоблари хусусидаги тақризлари эътиборлидир. Улар кейинги ярим аср мобайнидаги адабий жараённинг мұхим ва етакчи тамойиллари, хусусиятлари ҳақида тасаввур беради, пайдо бўлаётган янги илмий ва бадиий асарлар билан таништиради. Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Машраб Бобоев, Мұхаммад Юсуф, Тилак Жўра, Турсунбой Адашбоев, Мұхаммад Али, Омон Матжон, Хайриддин Султон, Саъдулла Ҳаким, Аҳмаджон Мелибоев, Шарифа Салимова, Бўритош Носирова, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нусрат Раҳмат, Шодмон Отабек, Мирпўлат Мирзаев, Аъзам Ўқтам, Эшқобил Шукур, Чоршамъ Рўзиев, Кўчқор Норқобил, Фармон Тошев, Баҳтиёр Ҳайдаров сингари шоир, ёзувчилар, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Солих Қосимов, Файбулла Саломов, Бегали Қосимов, Умарали Норматов, Очил Тогаев, Иброҳим Faфуров, Раҳматулла Иноғомов, Гулом Faфуров, Мұхаббат Шарафиддинова, Бойбўта Дўстқораев, Умрзоқ Үлжабоев каби адабиётшунос, мунаққидлар ҳақида ишлари, тақриз, интервьюлари кейинги ярим аср мобайнидаги ада-

бий, илмий жараённинг муҳим ва етакчи тамойиллари ҳақида муайян тасаввур беради. "Бобур", "Бобурнома", "Бобурийнома", "Адабиётшунослик: янгича ёндашув маҳсулни", "Сўз мулкига саёҳат", "Янгича тафаккур манзаралари", "Сўз дурларин термоқдир иши", "Латофатнома", "Даъваткор сўз" каби мақолалари, айни вақтда, шу аданбий жараённинг ўзидағи характерли белгиларни намоён этувчи намуналардандир.

Сайди Умировнинг сўнгти йилларда чоп этилган бир қатор мақолаларини шакл ва мазмун жиҳатидан; кишини зериктирадиган ва сийқаси чиққан "изм-изм"ларга зид ўлароқ, ҳаётий ва ижодий нуқтаи назардан эркин равишдаги долзарб ва муҳим муаммоларнинг кўтариб чиқилиши ва ёритилишига кўра; мулоҳаза этилаётган фикрлардаги табиий ва самимий ҳис-ҳаяжонлар ифодаси, айниқса, табиати ва феъл-авторидаги, ёзган нарсаларидаги асосий хусусият, фазилатлар аниқ, тиниқ, эҳтирос билан ифодаланиши жиҳатидан, ҳеч шубҳасиз, янги замонавий илмий-бадиий-публицистик танқидчилигимизнинг гўзал ва муваффақиятли намуналари қаторига қўйиш мумкин. Масалан, аввал "Тафаккур" журналида босилган, кейин "Маънавият мулкига саёҳат" китобига кирглан бир мақоласини "Адабиёт. Ҳаё. Маънавият" деб номлайди. Биз кўпинча Адабиёт, Ҳаёт, Маънавият деган сўзлар бирикмасига ўрганиб қолганмиз. Лекин сарлавҳа ўртасидаги "ҳаёт" эмас, "ҳаё" сўзи узукка кўз қўйилган-дек мос тушган. Зоро шу сўзда мақоланинг мақсади ва моҳияти зуҳур этган жараённи кузатиб борадиган киши гап Иброҳим Faфуров ҳақида бўлса керак, деган фикрга боради ва адашмайди. И.Faфуров китобларининг бирини "Ҳаё — халоскор" деб атаган эди. С.Умиров сарлавҳадаги ҳаё сўзига ургу бергани атоқли адиб, мунаққиднинг ўзига хос ижодий табиатидаги маъно, моҳиятни илгай олганини кўрсатади. Достоевский "Инсониятни гўзаллик кутқаради" деган эди. Машҳур адиб асрлари таржимони ва тадқиқотчиси И.Faфуров эса қалқиб турган янги замонда, гарбнинг, океан ортининг оммавий маданият, шахс эркинлиги ниқоблари остидаги ақл бовар қилмас

беҳаёлик, бузуқлик, шафқатсизлик, андишасизлик, худбинлик эпидемияси шарққа, бошқа ҳудудларга етиб келаётган бир шароитда инсониятни ҳаё, уят, одоб қутқаришидек энг муҳим, энг долзарб гапни айтганига эътибор қаратади. С.Умиров И.Faфуров ҳақида "Ажойиб-гаройиб триада" деган янги мақола ҳам ёзиб, унда адибнинг "Ҳаё — халоскор"идан ташқари "Мангу латофат", "Паривашлар мажлиси" китобларини ихлос-эҳтирос билан, илмий-бадиий-публицистик йўсунда таҳлил этади. Бундай мақолалар журналист ва филолог талабалар учун амалий машғулот дарсларида ўрганишга тавсия этса арзигулиқдир.

Гап журналистик фаолият ҳақида борар экан, Сайди Умиров бу соҳанинг, наинки амалий жиҳатдан тажрибали муаллими, балки назарий жиҳатдан ҳам етук тадқиқотчиси эканини таъкидлаш ўринлидир. Унинг мақоланавислик, оммавий ахборот воситалари муаммоларига бағишлиган ўнлаб мақолаларида бу соҳанинг нозик ва чуқур сир-синоатлари таҳлил этилади, тегишли хуласалар чиқарилади, мақбул тавсиялар берилади. Бу йўналишдаги "Публицистика таҳлили", "Очерк — ўғай жанр эмас", "Жанговар жанр", "Ёшликтнинг публицистик мавжлари", "Тархи тоза публицистика", "Даъваткор сўз", "Самарқанд журналистика мактаби", "Узайтирилган ҳаёт", "Нигоҳни кувнатувчи суратлар", "Чангти ва донғи чиққан ёлғиз от", "Ўртада бегона йўқ" каби мақолаларида ўзбек публицистикасининг амалий ва назарий муаммолари публицистик жўшқинлик билан таҳлил этилади, давр ва замоннинг долзарб муаммолари маҳорат масаласи билан алоқадорликда кўриб чиқилади. Олимнинг "Мақоланависликда тил экологияси" номли илмий-амалий иши ана шундай. Ёзилганига ўттиз йилча бўлган мақола ўз вақти учун қимматли эди, ҳозирги кунларимизда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳатто, ҳозир янада долзарб аҳамият касб этмоқда, дейиш мумкин. Мақолада публицистикада, нутқ маданияти, тилга муносабат, руҳий қадрияtlар, фикр, туйғу, воқеа-ҳодисалар ифодасида лисоний аниқлик, тиниқлик, жозиба

ЯХШИЛИКШУНОС

ва, энг асосийси, ҳаққониятга эришув, тил ва сўз қилирига етиш масалалари кўтарилиган бўлиб, бу, айниқса, ёш журналистларга бамисоли дастуриламал вазифаси ни ўттай олади.

Маълумки, мақоланавислик-журналистика ҳам бошқа барча йўналишлар қатори давр ва замон билан ҳам нафаслиқда йилдан йилга ривожланиб бормоқда, ҳатто, айрим ўринларда, ўз табиати талабларидан келиб чиқиб, тараққиётимизга таъсир этишнинг илфор сафларида бўлишга интилмоқда.

Истиқлол даврига келиб, Сайди Умировнинг публицистик ижоди ҳам, илмий изланишлари ҳам фаоллашди. Публицистик-илмий мақолалари, портрет-очерклари, эсселари, сұхбат-интервьюолари, китобларида айни шу мустақиллик даврининг долзарб масалаларини кўтариб чиқиш, замон қўяётган янги талабларга жавоб излаш характерли хусусиятга айланди. "Истиқлол ва матбуот" мақоласида янги замоннинг матбуот билан алоқадорликдаги ва, айниқса, миллий заминга дахлдор муаммоларга ва уларни ёритишдаги журналистиканинг хос хусусиятларига эътибор қаратди; матбуот ва журналист касби хусусидаги собиқ ва янги тузум ўтасидаги жиддий фарқларни кўрсатди. Журналист касби, журналист кадрларга кўйилувчи янги талаблар, айниқса, мавзу ва материални миллий фоя — Истиқлол фояси билан чамбарчас алоқадорликда ёритиш муаммолари С.Умиров қаламига мансуб бу йўналишдаги барча китоб ва мақолаларнинг асосини ташкил этади.

Сўнгги йилларда Сайди Умиров "Дорилфунулар тақдиримда" (2008) ва "Маънавият мулкига саёҳат" (2013), "Сеҳрли ва меҳрли сўз" (2017) номли салмоқли китобларида узоқ йиллардан буён ёзиб келаётган ижодий портрет характеридаги илмий очерк ва мақолаларини саралаб, мухлисларига тақдим этди.

"Дорилфунулар тақдиримда" китоби орқали у ярим асрлик фаолияти мобайнида асарларига чуқур ихлос кўйган, шахсан яқиндан таниган, ҳамкорлик ва ҳамнафаслиқда бўлган устоз, адаб, олим ва журналист, дўст

и ҳамкорлар, жумхуриятда фаол ижод қилиб келган ва келаётган турли касб эгалари - хусусан, академиклар Воҳид Абдуллаев, Сайди Сироғиддинов, Тўхтамурод Жўраев, профессорлар Наим Фойибов, Жамолиддин Бўронов, ношир Аҳмаджон Ёқубов, пайариқлик дўсти Хайрулла Сайдиев ва яна бошқа кўп марҳум инсонларнинг жамиятимиз ва маданиятимиз равнақига кўшган ҳиссалари ҳақида чуқур меҳр ва эҳтирос билан мушоҳада юритган муаллиф ўз толеи, шахси шаклланиши, оёққа туриши, ўз йўлини топиб олишида муайян роль ўйнаганликларини самимий эътироф этади, улардан олган сабоқларни ўзига бир дорилфунун деб билади.

"Маънавият мулкига саёҳат" китоби ҳам, асосан, адабий портрет ва илмий-публицистик мақола, очерк, илмий тадқиқотлардан ташкил топган. Лекин аввалги китобнинг тақорори эмас. Бу китобда мушоҳада юритилётган ва таҳдил этилаётган барча масалалар, асосан, публицистика, бадиият, илм, маънавият ва маърифат деб аталувчи устувор тушунчалар билан алоқадорликдаги, ҳозирги ҳаётимизнинг долзарб муаммоларини ёритишга бўйсундирилади. Шу ўринда, китоб мукаддисасида Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари қиммати ва аҳамияти теран таҳдил этилганини таъкидлаш жоиз. Муаллиф бу асар аҳамиятига алоҳида эътибор бергани бежиз эмас. Зотан, бу асарда илгари сурилган фоялар халқимизнинг бугун ва келаётказдаги маънавияти ҳамда интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашда ва тараққий эттиришда дастуриламал даражасидаги кучи билан ажralиб туради. Сайди Умиров "Алпомиш" достони хусусидаги мўъжазгина мулодхазалари ва соҳибқирон Амир Темур хотирасига кўрсатилаётган муносабат; янгиланаётган Бухоро ҳақидаги ёки иқтидорли ёш журналист Иқбол Кўшшаева ижодига доир мушоҳадалар; буюк қирғиз адаби Чингиз Айтматов ва япон файласуф шоири Дайсақу Икэданинг ижодий ҳамкорлиги ҳамда бу ҳамкорликнинг XX аср жаҳон маданияти равнақида тутган ўрни таҳдил этилган "Мулоқот мавзуси — маънавият" сингари салмоқли илмий

очеркida муаллиф ўз олдига кўйган мақсадларни "Юқсак маънавият — енгилмас куч" асаридаги foялар нури остида тадқиқ ва таҳдил этишга интилади.

Яқинда босмадан чикқан "Сеҳрли ва меҳрли сўз" китоби эса Сайди Умировнинг кейинги ўн йилликдаги ижодидан саралаган гулдаста — мақола, очерк, эссе-лардан таркиб топган. Китоб маълум маънода журналист, филолог талабалар, магистрантлар учун ўқув қўлланмаси ҳам бўлиши мумкин.

Биз бу мақолада олим фаолиятининг айrim қирралига тўхтадлик. Олим, публицист бирор битигида ноҳу什 ҳолатлар, нобоп одамлар ҳақида ёзгани, бирор асарни "урив ташлаб" хумордан чиққанини билмаймиз, неғаки, у инкор этувчи эмас, тасдиқловчи, табиати, тийнатидан келиб чиқиб тасдиқлаш орқали тасдиқловчи ижодкорлар сирасидан.

Олим, ёзувчи, журналист, мураббий Сайди Умиров ярим асрдан бери журналист кадрларга сабоқ бериб келмоқда. Унинг юзлаб, эҳтимолки, минглаб шогирдлари бор. Ҳар қандай устоз сардор деб аталишга муносиб бўлавермас, балки. Лекин Сайди Умиров ўз касб-корига чексиз меҳр-садоқати, бу туйгуларни шогирдларига ҳам ўтказа олгани ҳамда уларнинг самимий хурматига сазовор бўлиб келаётгани боис касбининг том маънодаги сардори деб аталишга муносибdir.

Иброҳим ФАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

МАЗМУНДОР УМР

Олтмишинчи йилларнинг бошларидан бери мамлакатимизда кўзга кўринган зиёли муаллимлардан бири Сайди Умиров билан яхши дўстмиз, биродармиз. Тенгдошмиз. Касбдошмиз. Касбдош сифатида менинг дўстим, қадрдонимга ҳавасим келди. Бунинг боиси шуки, Сай-

ди Умиров талабалик йилларида атоқли аллома, Самарқанд олимлари плеядасининг сардори ва ёрқин юлдузи, ноёб салоҳиятли инсон, файзу камол соҳиби Воҳид Абдуллаев қаторидаги Ботир Валихўжаев, Раҳим Воҳидов, Нуриддин Шукуров, Ориф Икромов, Раҳмонкул Орзивеков сингари донгдор олимлардан сабоқ олди, улар билан сұхбатдош бўлди, улар қошида сидқидилдан шогирдлик, издошлик бурчу удумларини адо этди. Уларнинг таъсирида адабиёт илми, адабиёт тарихининг ҳазиналаридан хабардор бўлди. Барча олган билимларини илмий-амалий фаолиятида муваффақият билан қўллади. Абдулла Қаҳҳор ижодини синчиклаб ўрганиб, адабиёт назарияси учун фойдали ва илмий қимматини йўқотмаган яхши тадқиқот ёзди. Унинг олтмишинчи йилларда ёзган бу тадқиқоти наср сирларини ўрганишда ҳамон ўшларга кўл келади.

Сайди Умировга яна бошқа жиҳатдан ҳам ҳавасим бор: У икки ажойиб жонкуяр олим ва педагог, мураббий Асил Рашидов ҳамда Файбулла Саломов ёнларида юриб, унутилмас, хайрли илмий, инсоний сабоқлар олди. Талабаларни илм-фан ҳазиналарига олиб кириш, таъсиричан дарслар ўтишни улардан ўрганди. Улар хайриҳоҳлигида ўзида қунт, сабот, синчковлик, одиллик лаёқатларини тарбиялади. Илк мақолалари, тадқиқотларини улар раҳнамолигида, улардан баракали улги олиб амалга ошириди. Файбулла Саломов каби адабиётшунослик, мақоланависликни публицистик чекинишлар, жонли ҳаёт нафаси билан оғушта ёзишда олим ижодкор учун зарур малака ва нигоҳ ортириди. Яна уларга эргашиб Чингиз Айтматов ижодиётининг қўримас, мангу тиник ва лазиз булоқларидан баҳрадор бўлди. Бу борадаги изланишлари натижасида эътиборга тушган бир қатор мақолалари юзага келди.

Унинг Абдулла Қаҳҳор, Пиримкул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Воҳид Абдуллаев, Матёкуб Қўшжонов, Бегали Қосимов, Анатолий Аграновский, Бойбўта Дўстқораев ҳақида мақолалари фактлар, маълумотларга бойлиги ҳамда уларнинг холисона талқини билан

ажралиб туради. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сайд Ризо Али зода ижоди ва босиб ўтган йўли, тақдирлари тўғриси даги изланувчанлик руҳида битилган мақолалари ала биётимиз тарихидаги маълум бўшлиқларни тўлдириш дек олижаноб вазифани ўтади.

Сайди Умиров ўз тадқиқотларида зарур фактлар, маълумотларга кенг ўрин беради, ҳақиқий олимлар каби улардан унумли фойдаланади. Маълумотлар ва фактларни қиёфа портрет яратишга усталик билан бўйсундира ди. Бу Сайди Умиров мақоланавислигининг ўзига хос услуги бўлиб, ижодининг илмий-ижодий қимматини белгилайди.

У ҳаётда ҳам қайноқ меҳр-оқибатли инсон. Кўп гувоҳ бўламанки, қачон қаерга бормасин, унга доим шогирдлари пешвоз чиқади ва устознинг пойқадамига севгисадоқат поёндозини ёзади. Бундай ҳавас қилса арзигуллик эъзоз-икромга у илмий-ижодий жонкуярлиги, узоқ иллик самарали педагогик, мураббийлик фаолияти туфайли сазовор бўлди, умрини маърифат билан мазмундор қилди.

Қадрдоним, ҳорманг! Сизга узоқ саодатли қутлуғ умр тилаймиз!

Умурзоқ ЎЛЖАБОЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент

УЛУГЛАР НАЗАРИГА ТУШГАН ОЛИМ

Сайди Умиров етмиш ёшга тўлиши муносабати билан нашр этилган "Дорилфунунлар тақдиримда" номли китobi бошида "Олтин зангламас" номли мақоласида, жумладан, ёзади:

"Олтмиш еттинчи иили "Характер ва шароит тасвирида бадиий деталнинг роли" (Абдулла Қаҳҳор прозаси мисолида) мавзусидаги номзодлик ишим билан нуқтага етди, ҳимояга тавсия этилди, автореферат чиқди. Ёзув-

чи ҳақида тадқиқот, китоб битилса уни хабардор қилиб қўйиш, бирор нусха элтиш таомилдаги гап, яхши анъана. Шуни ўйлаб, "Абдулла Қаҳҳор асрларининг тили" мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлаган яқин қадрдоним, кейинчалик фан доктори, профессор, академик бўлган Иристой Кўчқортовга (жойлари жаннатда бўлсин) маслаҳат солдим. "Яхши ўйлабсиз, битта автореферат олинг, яқинда адабнинг олтмиш иллик тўйлари ўтади, совғангиз бўлади", деди. Дўрмонга жўнадик. Иристой Кўчқортов адаб билан ҳам, Кибриё опа билан ҳам анча эркин гаплашар экан, мушкулимни осон қилди, гапнинг мақомини келтириб, мени таништира кетди: ҳамкасбим, қўшним бўлади, Академиянинг Тил ва адабиёт институти аспирантурасини битириб, шу ерда ишлайпти, сизнинг ижодингиз бўйича диссертация ёзди, яқинда ёқлади, автореферат олиб келдик...

Адаб бизни ниҳоятда очиқ, самимий қабул қилган бўлсалар ҳам, у киши билан илк бор бақамти келиб турганим учун салобати босди. Саволларига "ҳа", "йўқ" дейишдан нарига ўтолмадим, асосан, учовлари гаплашиб ўтиришди, мен тингладим. Фақат бир нарса аниқ эсимда: адаб рефератни варактаб "Ҳимоя қачон?" деб сўрадилар. "Олтинчи сентябрда" дедик. Вақтларини олмаслик учун изн сўрадик".

Абдулла Қаҳҳор гарчи авторефератни олатуриб, "Ҳимоя қачон?" деб сўраган бўлса ҳам, унга боришибормаслиги ҳақида лом-мим демайди. Лекин у кутилмаган билан пайтда ҳимоя йиғилишига келиб диссертантнинг кўнглини тоғдек кўтариб юборади. Бу ташриф ҳимоя ҳаяжонлари билан тўлқинланиб турган ёш илмий ходим учун қанчалик далда бўлганини, куч-кувват бағишлаганини тушуниш унчалик қийин эмас. Уч соатлар давом этган бу йиғилишда адаб "чап қўлини бошига тираганича... расмий ва норасмий оппонентлар сўзларини дикқат билан тинглаб" ўтиради, бир оғиз ҳам сўз қотмаган ҳолда ҳимоя тугагач, Сайди акани илмий муваффақият билан табриклайди, одатда бундай машваратдан кейин ўша пайтлари урфга айланиб кетган зиё-

фат дастурхонига таклиф этилганда, "Куллук, менинг ўзим ҳам тўйболанинг аҳволидаман, иш, ташвишлар кўп, меҳмонлар келиб туришибди", деб хайрлашади. Орадан бир неча кун ўтгач, дўстимиз Абдулла Орипов орқали устоз адаб Сайди аканинг номини хурсанд бўлиб эслагани, "бу бола дуруст нарса ёзганга ўхшайди", деган гапни айтгани ёш олимга етиб келади. Менимчи, келажакдаги ҳаётини адабиётга бағишлишни ният қилиган С.Умиров учун ўша пайтда берилган энг катта мукофот ҳам, қилинган озми-кўпми меҳнат учун берилган энг баланд баҳо ҳам Абдулла Қаҳҳордек бир буюк ёзувчининг унга кўрсатган ана шундай юксак эътибори - ишлари қайнаб ётган бир вақтда уч-тўрт соат вақтини аямай диссертация ҳимоясига келиши ва муайян кишилар даврасида у ҳақда айтган ана шундай илиқ гаплари бўлади, десак, эҳтимол, унчалик хато қиласмасиз. Ҳеч иккilanmasdan айтишим мумкинки, мана шу дастлабки эътибор ва рағбат кейинчалик ҳам бу тиниб-тinchimайдиган, меҳнаткаш ва фаол олимнинг бутун ҳаёт йўлини нур бўлиб ёритиб келяпти.

Ҳар ҳолда, ҳаммаси десам сал лофт қилган бўларман, Сайди Умиров деган таниқли ва истеъодли бир адабиётшунос олим ҳаётининг каттагина қисми кейинчалик қўз олдимда, гувоҳлигимда ўтмоқда, деган гапни бемалол айта оламан. Ҳозирги кунда мен биладиган Сайди ака журналистика соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлашда мамлакатимиздаги таниқли, меҳнати синган педагоглардан бири ҳисобланади (Ахир, у кишига "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" деган фахрли унвон бежиз берилмаган-ку!). Адабий жараёндаги ўрни, айниқса, мустақиллик йилларида тобора катта салмоқ касб этиб бораётган бадиий публицистиканинг назариясини ҳам, амалий ҳолатини ҳам у кишидан яхшироқ, аникроқ, чуқурроқ биладиган олим кам бўлса керак, десам ҳеч қандай муболага бўлмайди (Ёзувчилар уюшмасида шу жанрнинг тараққиёти ва таҳлилига бағишлишган йиғилишларда тез-тез маъруза ва чиқишлар қилиб туришлари ҳам, табиийки, Сайди ака-

шинг ана шундай баланд мавқега эга эканлиги билан боғлиқ). Устозимиз О.Шарафиддинов домла давраларда танқидчилик ҳақида сўз кетиб қоладиган бўлса, "Танқидчилар кўймоқ пиширишни билмасалар ҳам, унинг сифатини аниқ айтиб бера оладиган кишилар бўлиши керак", деган гапни ярим ҳазил, ярим чин маънода таърорлашни яхши кўрардилар. Бу гап бежиз айтилмасди, тагида чуқур маъноси бор эди, албатта. Чунки баъзида шоир-ёзувчиларнинг танқидчилар ҳақида "ўзлари ёзолмайдилар-у яна танқид қилишгани ортиқча" қабилидаги гап-сўзлари қулоққа чалиниб қоларди. Устоз орқаворотдан айтиб юриладиган бундай гапларга жавоб тариқасида шундай дердилар. Агар шу нуқтаи назардан Сайди аканинг ижодий фаолиятига назар соладиган бўлсак, у киши "қўймоқ ейишни ҳам, уни пиширишни ҳам биладиган" қалам соҳибларидан бири ҳисобланади. Бундай истеъоддога эга бўлган кишилар эса, зиёлиларимиз орасида у қадар кўп эмас. Умрининг кейинги ўн йилликларини кўпроқ публицистика жанрининг назарий муаммоларини ўрганишга бағишлиб келаётган С.Умиров айни чоғда ўзи шу соҳанинг турли бадиий шаклларида анчагина асарлар ҳам яратиб кўйди. Булар шунчаки — адабий-танқидий ёки журналистика назариясига оид мақолалар ёзишдан чарчаган пайтларда эрмак учун ёзилган нарсалар эмас. Балки олимларга хос мантиқий фикрлаш ҳамда мулоҳазакорликнинг ёзувчиларда бўладиган эҳтиросли ҳолатлар билан бир вужудда қўшилуви, ҳамоҳанг келиши натижасида пайдо бўлган асарлардир. Сайди аканинг бу йўналишдаги хотира, очерк ва эсселарида халқимизнинг кўплаб машхур, турли соҳаларда таниқли бўлган кишилари портрет-образлари яратилган. Уларнинг орасида А.Қаҳҳор, О.Шарафиддинов, С.Сирожиддинов, О.Ёкубов, П.Қодиров, А.Мухтор, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Б.Қосимовлардан тортиб, М.Бобоев, Р.Иноғомовларгача бор. С.Умиров эл танийдиган бундай зиёлиларимиз, ижодкорларимиз ҳақида ёзар экан, уларнинг яратган асарларини, қилган кашфиётларини, турли лавозимларда

бажарган ишларини баландпарвоз сўзлар оқимига кўмиб ташлаш йўлидан бормайди, балки ўз қаҳрамонини билинчи навбатда оддий бир инсон, индивидуал хусусиятлари шундай кўриниб турадиган шахс сифатида кўрсатишга, унинг кўнглидаги гапларни, ўй-фикрларини очишга, юзага чиқаришга ҳаракат қиласди. Шунинг учун ҳам улар қизиқиш билан ўқиласди.

Албатта, ўша қаҳрамонларнинг эл-юрг ўртасида машҳурлигидан ташқари бунда айнан Сайди аканинг фақат ўзигагина хос бўлган ёзиш услубига боғлиқ жиҳатлари ҳам кўп. Чунончи, сўнгги ярим асрлик адабиётшунос лигимиз, кенгроқ маънода айтадиган бўлсак, маданиятимиз тарихида ўрни алоҳида сезилиб турадиган устоз О.Шарафиддинов домлага хос хислатлардан бири ҳақида "Истеъодни англаш бахти" номли эссесида у шундай ёзади: "Хонадонига борган кишини эшиқдан кириши билан аввало китоблари кутиб оларди, чиқишида китоблари кузатиб қоларди. Суҳбат ҳам, турган гапки, китоб, адабиёт, санъат, маданият ҳақида кетарди. Олимнинг қизлари, филология фанлари номзоди (кейинчалик фан доктори бўлган эди, жойи жаннатда бўлсин — У.Ў) Мұхаббатхон ибратли ҳодисани ҳикоя қилиб берди: бир одам ноёб бир китобни сўраб келибди, дадам менга, фалон жавоннинг фалон чеккасидаги энг охирги китобни келтириб берсанг, дедилар. Дарҳол топдими ҳайрон қолдим. Аввалги уйда яшаганимизда соғлиқлари жойида эди, истаган китобни қўйналмай топардилар, янги жойга кўчиб келингач, китоблар ҳам, жавонлар ҳам кўпайди, соғлиқлари бунақа бўлсаю қайси китоби қаердалигини коляскада ўтириб айтиб берсалар-а!" Тўғриси, устозимиз О.Шарафиддиновга хос бўлган ажойиб хислатлардан бири ҳақида бу даражада ўринли гапларни foят самимилик билан айтилиши мени анча таъсиrlантirdи, хотирамда шу хислат, у кишининг характеристидаги айнан шу жиҳат билан боғлиқ баъзи воқеаларнинг жонланишига сабаб бўлди. Масалан, ўзим ҳам бир китоб жуда зарур бўлиб қолганда домладан ўшани бериб туришни минг бир истиҳола билан илтимос қил-

тиман. Шунда у киши ҳеч малолланмай, тўғри бориб ташондан айтилган китобни олиб бергандилар. Мен ҳам ушонда ҳеч у ёқ-бу ёққа қарамай, сўралган китобни шундоқ қўл узатиб олиб берганларида ҳайрон қолган им. Жавондаги китобларни бу даражада аниқлик билди топиш, мана энди билаятмизки, ўз-ўзидан ҳар кимга ҳам пайдо бўлиб қолаверадиган хусусият эмас экан. Ўндан одатнинг тагида кучли хотира, китобга бўлган бекиёс ҳурмат, қанчалик даражадаги кунт ва ҳафсала деган нарсалар туришини каттами-кичикми шахсий кутубхонаси бор одамлар яхши билишади. Устозимиз мен ишлайдиган Гулистон давлат университетига маъруза ўқишига гоҳида келганларида, кутубхонангиздаги китоблар анча тартибсиз жойлаштирилган, дея бир неча марта дакки берган эдилар. Ҳатто бир куни нима иш биландир ташқарига чиқиб қайтиб кирсам, домла кутубхонамга кириб ўша тартибсиз қўйилган китобларни қайтадан теришга киришиб кетибдилар. Бу ишни шунақа чаққонлик билан бажаардиларки, бир муддат мен анграйганча қотиб қолдим. Сўнг хушим жойига келгач, ҳай-ҳайлаганча домланинг қўлига ёпишиб, "ジョン, ドムラジョン, オダムニ Ҳижолат қилманг, янаги келганингизга қадар ҳаммасини тартибга солиб қўяман", деб ялинганча зўрга тўхтатганман. Бу иш мен учун бир умрга ҳам сабоқ, ҳам унтуилмас, эсласам, юракни "жиз" этирадиган хотира бўлиб қолган. Мана, Сайди аканинг устоз характеристига хос бўлган фақат биттагина кичкина хислати ҳақида ёзганлари менинг хотирамга устоз билан боғлиқ қанча нарсаларни келтиради.

С.Умировнинг бошқа очерк ва эсселарида ҳам биз юқорида эслатган таниқли инсонларнинг қиёфаси, ички дунёси ана шундай характеристерли детал ва катта-кичик тафсилотлар орқали жонли, таъсирили бир тарзда гавдалантирилганки, китобхон бундай тасвирлардан катта завқшавқ олади.

Сайди ака нафақат қирғиз миллатининг, балки туркӣзабон ҳалқларнинг фахри бўлган, ёзувчилик шуҳрати бутун дунёга ёйилган атоқли адиб Чингиз Айтма-

тов ижодининг ҳам ашаддий мухлисларидан ва тақиқотчиларидан биридир. Буни ўзи ҳам тан олиб, "Таш олимлар, адаблар сингари камина ҳам Чингиз Айтматов билан "оғриган"ларданман", деб ёзади камтарни билан бир жойда. Шу боисдан ҳам унинг ижоди, айрим асарлари ҳақида матбуот саҳифаларида мунтазам равишда катта-кичик мақолалар эълон қилиб келади. Масалан, "Ер ҳам сув-ла ҳамкор, якқалам" ("Қишлоқ ҳақиқати", 1988 йил, 10 декабр) мақоласи ёзувчинин олтмиш ёшга кирганлиги муносабати билан ёзилди. Лекин, Сайди ака мақолалар ёзиш билангина кифояланиб қолмайди. Шу йили Ўзбекистон газета ва журналларида Ч.Айтматов ҳақида эълон қилинган мақолаларнинг кўпчилик қисмини йиғиб, Фрунзе шаҳри (ҳозирги Бишкек)га юборади. (Ахир, бир эринмаган, ҳафсалали одам бўлса, шунча бўлади-да). Ўзининг бу қилган ишидан қанчалик қониқиши ҳосил қилганини укиши яшириб ҳам ўтирайди. Бу ҳақда "Дорилфунунлар тақдиримда" китобига кирган "Ўзим ҳақимда" деган мақоласида бу почтани ёзувчи "... олдими, иўқми билмадим, лекин бир гал Чингиз оға Тошкентга келганида мақоламнинг бир нусхасини бердим, миннатдор бўлдилар, "Белое облако Чингизхана" китобига дастхат ёзидердилар", деган сўзларни катта бир мамнунлик билан айтганлиги билиниб туради. Сайди ака улуғ ёзувчи ҳақида билдириган фикрлари орасида йўл-йўлакай "Чингиз Айтматов — публицист" деган китоб ёзиди, нашр эттириш нияти борлигини ҳам айтиб ўтади.

С.Умиров домланинг tengti кам инсон ва олим Файбулла ас-Салом билан устоз-шогирдлик, ака-укачилик муносабатлари ҳақида ўзбек зиёлиларининг кўпчилик қисми яхши тасаввурга эга дейиш мумкин. Чунки бу тўрида матбуот саҳифаларида ҳам, айрим китобларда ҳам анча-мунча гаплар айтилган.

Мен бу ўринда домланинг ана шундай инсоний сифатлари ҳақидаги гапимни давом эттириб, унинг олим ва педагог, профессор Бойбўта Дўстқораев билан муносабатлари тўғрисида икки оғиз сўз айтиб ўтмоқчи-

лан. Б.Дўстқораев — менинг курсдошим, дўстим. У — журналистика (гарчи университетда филология йўналишини тугатган бўлса-да) ва адабиётшунослик соҳаидари бўйича етук мутахассис. Шундай бўлдики, у ҳам ўзиди Сайди акага ўхшаб бутун ҳаётини журналист кадрлар тайёрлашдек масъулиятли ишга бағишлиб келмоқди. Хулас, мана шу икки инсон — икки собиқ филолог Миллий университетимиз (собиқ ТошДУ)нинг журналистика факультети хоналарида танишиб, юлдузи юлтувига тўғри келиб қолганиданми, бир умрга қадрдонлишиб қолган. Уларнинг доим бирга юришларига тўю маъракаларда ёнма-ён бўлишларига ҳамкаслари ҳам кўнишиб кетишган. Бундай ҳолатни айримлар ҳазил аралаш Гоголнинг баъзи қаҳрамонларига ўхшатиб ҳам қўйишади. Сайди ака бундай гапларга унчалик ҳам эътибор бериб ўтирайди, кўл силтаб, биз ҳеч қачон ўша қаҳрамонларга ўхшаб бирорнинг гийбатини қилмаймиз, балки, аксинча доим яхши гаплардан гаплашамиз, яхши режалар тузамиз, яхши ниятлар қиласиз, деб қўяди. Булар ўртасидаги дўстлик, қадрдончилик кўп синовлардан ўтиб, тобора мустаҳкамланиб келяпти. Масалан, бу ўринда 1994 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган бир воқеани келтириш мумкин. Факультетда бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашув бўлади. Талабалар учрашувда қатнашадиган газета муҳаррирларидан бирига қалтисроқ, аниқроқ, унинг газетаси фаолиятига доир танқидий руҳдаги саволлар беришади. Табиийки, бундай саволлар мұҳаррирга ёқмайди ва бу ҳолатга сиёсий тус беришга ҳаракат қиласи. Унинг бундай нуқтаи назарига қачондир шу ерда талаба бўлган, ўша пайтда анча кўли узун ҳисобланган ижодкорлардан бири қўшилиб, юқоригоқ идораларга дарҳол бу ҳақда хабар беради. Орадан кўп ўтмай "айбдор"ни излаш жараёни бошланиб кетади. Бундай пайтларда, тажрибалардан маълумки, биринчи таёқ бошлиқнинг, айнан шу ҳолатда, деканнинг бошида синиши керак (сиёсий-тарбиявий ишлар яхши эмас деган айб билан, албатта). Савол берган уч талаба тезкорлик билан ўқишдан четлатилиди. Ўша вақтдаги фа-

культет декани С.Умиров эса таътилда. Вақтингчалик бу вазифани айнан ўша пайтда ҳам декан ўринбосари, ҳам кафедра мудири вазифаларида ишлаб келаётган Б.Дўстқораев бажарип турган. Вазият мураккаб. Ўша пайтдаги ректор Т.Жўраев "айбдор"ларни чақириб, "зудли билан бўйруқ олиб бориш керак экан, лекин мен сизларда катта айб кўрмаяпман, шунинг учун жазо беришига қийналяпман", дейди. Шунда Сайди ака, "меҳнат таътилида бўлсан ҳам, декан сифатида таълим-тарбия ишларига масъулман, жавобгарман, шу ишни ишониб топширганингизда ҳам жамоа олдида айтганман. Ишқилиб, университетимизга, сизга гап тегмаса бўлди, майли, мени жазолайверинг", деб бутун жавобгарликни ўз бўйнига олмоқчи бўлади. Бойбўта эса бу гапга кескин қарши чиқиб, "нега энди таътилдаги киши жазоланиши керак, ҳозирги пайтда ҳамма ишларга мен масъулман, бинобарин, қандай жазо бўлса ҳам мана мен олишга тайёрман", деб эътиroz билдиради. Ўртада катта тортишув, баҳс келиб чиқади, ҳар икки томон ҳам ўзининг жазога лойиқлигини астойдил асослашга ҳаракат қиласди. Икки қадрдан ўртасидаги бундай муносабатни кўрган ректор ана шундай қалтис бир вазиятда фоят оқилона қарорга келади: филология ва журналистика факультетларини қўшиб юборилгани ҳақида бўйруқ чиқариб, уни юқорига — ўша нарсани талаб қиласди жойга юборади. Орадан тўққиз ой ўтказиб эса, яна факультетларни ажратиб, ҳамманинг ўз хизмат лавозимларида олдинги ишларини келган жойидан давом эттираверишлари учун имконият яратиб беради. ТошДУнинг 75 йиллиги муносабати билан С.Умиров ҳам Б.Дўстқораев ҳам "Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлифи" билан тақдирланади.

Асабларни қақшатган, қанча тунларни бедор ўтказишига сабабчи бўлган ўша воқеа ҳақида ҳозир гап қўзғалиб қоладиган бўлса, "ривоятдаги икки содик дўстнинг аввал мени қатл қилинг, кўрмай кетай, дегандек гап бўлган эди-да", деб кулиб кўя қолади Сайди ака.

Хуллас, мен билган, хурмат қиласдиган, ўзининг 80

енолик умр чизигидан куч-ғайрати, завқ-шавқи тўлиб-тошган, қилган барча меҳнатларининг самараларини туришга муяссар бўлган бир ҳолда ўтаётган Сайди ака дин "ишлар қалай?" деб сўрасангиз "Қилинадиган ишларининг кўпчилиги ҳали олдинда, мана энди ҳақиқий маънода ишлайдиган замон келди", деб жавоб қайтаради ним табассум билан. Илоҳим, мана шундай яхши ниятлар Сизга ҳамиша йўлдош бўлиб юрсин, муҳтарам Сайди ака!

Шавкат КАРИМОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети профессори

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЖОДКОР

Одатда оммавий ахборот воситаларининг барча жаб-ҳаларида ижод қиласдиган жиддий муаммоли, истиқболга назар ташлайдиган, тарихни ёритишида материалларни адолатли манбааларга суюнган ҳолда ўқувчига инъом этадиган, ҳалқ қувончу шодлигини, дарду ташвишларини қаламга олиб "миллатнинг тили" бўлувчи кишиларни ўтмишда муаррих-солномачилар, ҳозирги кунимизда журналистлар десак муболага бўлмас.

Юзлаб газеталар, радио ҳамда телеканалларда фаолият юритиб, маънавий дунёмизни бойитаётган соҳиб-қаламларнинг аксарияти йирик олим, атоқли журналист, ардоқли устоз, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурраббийси Сайди Умиров умомидан сув ичганликлари, унинг дорилфунунидан сабоқ олганлари айни ҳақиқат.

С.Умиров СамДУ филология факультетини битириб Тошкентга йўлланма олди. Фаолиятини ўша пайтда олим ужодкорлар учун "Учириш майдончаси" деган номга лойиқ кўрилган "Фан ва турмуш" журналида бошлади. Сайди ака Файбуллоҳ Ас-Салом, Наим Фойибов, кейинроқ Тогай Муродларни ҳам учирма қиласдиган дар-

гоҳда ижодкор сифатида шакллана бошлади. "Биринчи галда, услубимнинг шаклланишида журналнинг ҳиссаси, хизмати катта бўлди. Услубда бир қадар равонликка эриша олган бўлсан, журнал туфайли", деб эслайди Сайди ака.

Журнал таҳририяти, Фанлар Академияси ҳамда Тил ва адабиёт институти бир бинода жойлашгани боис турли анҷуманлар, илмий ва ижодий учрашувлар ўзи бинода ўтказилиши ёш ижодкор учун яна бир университет вазифасини ўтади. Ўша йиллари И.Султон, М.Кўшонов, Ҳ.Ёқубов, П.Шамсиев, Ҳ.Зариф каби фан дарғалари маъruzалари, сұхбати, улар билан ўзаро мулоқотлардан кўп нарса олганлигини Сайди ака миннатдорлик билан эслайди.

Табиатан камтар, камсуқум ва айни замонда адабий жараённи ичдан теран англайдиган адабиётшунос Солиҳ Қосимов эътиборини қозонган Сайди Умиров Тил ва адабиёт институтининг аспиранти сифатида муддатидан олдин ўз илмий изланишларини ниҳоясига етказади.

Нуфузли илмий Кенгашнинг салобатли аъзолари ва ҳалқ ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ёш тадқиқотчининг ҳимояга тақдим этган мавзуси муҳокамасига йиғилган эдилар. Сайди аканинг "Характер ва шароит тасвирида бадиий деталнинг роли (А.Қаҳҳор прозаси асосида)" мавзусида тайёрланган тадқиқотидаги назарий тўхтамлари, ўзбек адиби ҳикояларидаги деталлар ҳақидаги бетакрор кузатишлари йиғилганларда айрича таассурот қолдирганини расмий ва норасмий оппонентлар алоҳида таъкидлаган, унинг хulosаларидан кўнгиллари тўлган, синчков ва зукко олимнинг келажагига катта умид билдирган эдилар.

Нўноқ ёзувчи бир саҳифада айтадиган фикрни А.Қаҳҳор бир жумла билан ифодалashi адабиёт илмида маълум, мазмун, мағзига кўра адиб ҳикоялари қиссаларга, қиссалари романларга татигулик эканлиги фанимизда аллақачонлар эътироф этилган.

Устоз истаган ҳажмда ёзиши мумкин эди, деб таъкидлайди С.Умиров, лекин чек-чегарани адибнинг ўзи

белгиларди. А.Қаҳҳорнинг рус адиби А.П.Чехов хотира-сига бағишлиланган "Муборак кўзойнак" номли атиги юз йўллик мақолачасида Чеховнинг китобхонга яхши таниши кўзойнаги кўп маъно англатувчи бадиий деталга айланган. А.Қаҳҳор ёзади: "Мен ҳикоячилик ҳунарининг алифбосини ҳам шу муборак кўзойнак билан ўқиганман". Деталь биринчи мақоланинг жонли, жозибадор чиқишини таъминлаган, иккинчидан адиб у орқали кўп нарса айттолган, деб хulosалайди тадқиқотчи.

Ўтган асрнинг 50—60 йиллар ижодкор ёшлари Абдулла Қаҳҳор сиймосида меҳрибон, бағрикенг, зукко устоз ва мураббийни кўрар ва унга орқа қилас әдилар. А.Орипов, У.Норматов, Ў.Ҳошимов, У.Назаров, Ш.Холмирзаев, Т.Қаипберганов каби истеъоддли иқтидорлар Абдулла Қаҳҳор марҳаматидан кўп бора баҳраманд бўлганлар. С.Умиров диссертациясидан қониқиши туйган А.Қаҳҳор "Бу йигит дуруст нарса ёзибди", деб эътироф этгани ёш тадқиқотчига рағбат ва қанот бўлгани рост. Ўшандан бери канча сувлар оқиб ўтди. Ишончлар оқланиб, дуолар ижобат бўлди.

Бўладиган йигитга назарлари тушган олиму фозиллар Сайди акани ўз давраларига олишга ҳаракат қилишди. У Файбулоҳ ас-Саломнинг этагини тутиб кам бўлмади. Устоз билан ҳаммуаллифликда "Толибнома" битилиб, кўпчиликнинг оғзига тушди. Мазкур китоб маънавият амалиётчилари, гуруҳ мураббийлари учун дастуриламал бўлди. Таалabalар шогирдлик алифбосини ушбу дилкаш сұхбатлардан олганлари айни ҳақиқат. Ҳамкаси Бойбўта Дўстқораев билан ҳамкору ҳамдаст бўлиб, ажойиб таржимон Асил Рашидов ижодий портрети рисола сифатида тақдим этилгани ҳам адабиётшунослар ўртасида беиз кетмади. Заҳматкаш олим, беназир таржимон, маҳоратли устознинг мешақатли меҳнати меҳр билан юзага чиқарилди.

Сайди ака яшаган ва ижод қилган муҳит унинг эҳтирасли ижодкор, пишиқ-пухта тадқиқотчи сифатида шаклланишида ва ўзини намоён этишида муҳим роль ўйнаган, десак, ўринли бўлади.

ЯХШИЛИКШУНОС

Матёкуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Файбулоҳ ас-Салом, Умарали Норматов, ИброҳимFaфуроҳ. Бегали Қосимов каби улкан устозлар билан бақамти бўлиш, табиийки, бундай алломалар ҳақида самимий асарлар, хотиралар битишига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Сайди Умировнинг кайси бир асарини олиб кўрманг, хоҳ у монография ёки мақола, такриз ва ёки тадқиқот бўладими, унда кам деганда сизни ўйлатиб, ташвишлантириб, қийнаб юрган муаммолардан бирортасини ёритиб берганига ишончнинг комил бўлади. У шундай адабий-танқидий манзумаларга "жон" ато килганки, уларда ижодкор истеъоди тўла ва ёрқин намоён этилган. Устоз Эркин Воҳидов ижоди бўйича синчков кузатувлар, Иброҳим Foфуроҳ триадаси ҳақидаги мулоҳазаларни битар экан, мазкур асарларни чуқур идрок этиш, ижодкорлар топилмаларини ўша асарлар кўтарилиган чўққилар даражасида ёзишга интилиш, асарлардан олган туйғу-ҳиссиятларни самимий, бадиий асарлар янглиғ ўқувчига етказиш орқали муаллифлар билан бўйлашишга ҳаракат қиласди. Сайди ака ўзи битган асарларга узукка кўз қўйган заргардек сарлавҳалар қўйиш ҳадисини олган.

Илмнинг машаққати қозонида қайнаган Сайди ака Умиров мана 50 йилдан ошибдики, 500 дан зиёд мақола, кўплаб китоблар ёзиб, адабиётшунослик ва журналистикада ўз ўрнини тайин этишга ултурган аллома бўлиб етишди.

Сайди ака тезкор публицист. Ўйнаб ёзса ҳам ўйлаб ёзади деганларидек, тез ёзса ҳам топиб ёзади. Ўқиганнинг ёдида қолади. Ўқувчи у кишининг ёзганларидан баҳра олади. Қандай ёзиш лозимлигини ўрганади. Сайди ака "Олтин қалам" соҳиби эканликларини бир зум ҳам унутмайди.

Устоз фазилатларини санаб адогига етиш қийин. ЎзМУ журналистика факультетининг довругини кўтаришда, мамлакатимиз учун истеъододли мутахассислар тайёрлашда, ЎзДЖТУда халқаро журналистика факуль-

тетини шакллантиришда домланинг хизматлари бекіёс. У кишининг зувалалари файрат билан йўғрилган. Футболу шахматни профессионаллардек ўйнайдилар, ўзлари ўрганган улфатлар давралари Сайди ака билан файзиёб. Ижодкорларнинг муҳлислар билан учрашувларини хуш кўрадилар ва бундай дийдорлашувларга руҳ банишлайдилар. Бизнинг Сайди акамиз ана шундай инсон.

Сайди Умиров бугун 80 йигит файратига эгалиги юриш-туришидан, ёзаётган асарларидан кўриниб турибди. Биз интилган ва орзулаган фазилатларингиз кўпаяверсин, мустаҳкам соғлиқ сизга садоқат билан яна узоқ йиллар ҳамроҳ бўлсин. Умрингиз ва ижодингизга барака, дегимиз келади.

Учинчи фасл

ЁЗИШНИ ЁЗИБ ЎРГАТАЁТГАН УСТОЗ

Талаба-журналист кимга эргашади? Чиройли матрӯза қиласидан ўқитувчигами? Назарий жиҳатдан пухта дарс ўтадиган олимгами? Назарияни амалиётда қўллаб сабоқ берадиган устозгами? Журналистиканинг машиқ қатли йўлига ишонч билан қадам қўйган талаба, албатта, ёзишни ўргатадиган устозни танлайди.

Рисоламиз қаҳрамони Сайди Умиров талаба танлайдиган, яхши қўрадиган УСТОЗ!

Аввало, унинг ўзи шогирдларга ибрат бўлиб, ёзишни канда қилмайди. Унинг журналистика факультети ўқитувчилари борасидаги қўйидаги фикри ҳам ижодкорлар тилида доим янграб туради: "Журналистика факультети домлалари уч тоифага бўлинади: 1) ёзиш-чиши биладиган; 2) бу ишни нари-бери, ҳаминқадар, чала-чулпа қиласидаган; 3) ёзиш-чишидан умуман йироқ, фақат "назарий" тайёргарликка эга одамлар".

Бор гап. Буни биринчи бўлиб талabalар англаб етадилар, ҳар бир домлага муносабат ҳам шундан шакланади. Сайди ака ёзиш-чиши борасида ҳанузгача журналистика факультетлари ўқитувчиларига ибрат, намуна бўлиб келмоқда.

Сайди аканинг қандай ёзишини унинг устози, сўз заргари, Файбуллоҳ ас-Салом ёзиган қолдирган фикр билан кўрсатиб бермоқчимиз.

"Муаллиф соядан қочади, нурга талпинади... Доим яхшилар сафида юрган, олижанобликни мадҳ этган. Бироқ, на илож, жамият фақат яхшилардан таркиб топмаган да. Ажабким, у ёмонларда, ашаддий бадбину бадтарин кимсаларда ҳам эзгулик изларини кўришни ис-

ланди. Яна ҳайратким, яхшиларнинг ҳам яхшиларини топиб ёзди. Кўнгли, ўзи юрак-юрагидан ҳурмат бажо топтириган инсонлар, энг сара асарлар ҳақида яйраб ёзди. Умрини ўз мавқеидан туриб қайта кашф этади. Самимичи ташкилла чунонам тўлиб-тошиб ёзди. Таъриф-тавсифи ни келтиради... Сайди Умиров ўйлаб ёзди, ўйнаб ёзса ўйлаб ёзди. Ёзмаса туролмайдиганлар хилидан".

Сайди ака ёзиш билан бирга шогирдларини фаол булишга ундан яшайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида публицистика йўналиши бўйича йиллик ҳисоботида иштирок этган устоз йиғилишдан сўнг "Ўзбекистон" радиоканалига интервьюсидан бир парча эшитсангиз кифоя.

— Публицистика — журналистиканинг чўққиси. Унга стишиш учун ижодкор ҳам ҳаётӣ, ҳам маҳорат нуқтаи назаридан тажриба тўплайди. Ўтган иили анчагина сермаҳсул йил бўлгани, газета ва журналларда ёзувчи ва шоирларнинг кўплаб публицистик материаллари берилгани, китоблари чоп этилгани яхши, албатта. Бироқ ютуқлар ўзимизники, лекин муаммоларимизни ким кўтариб чиқади? Президентимиз Шавкат Мирзиёев тиббиёт, ички ишлар ходимлари фаолияти ҳақида танқидий мулоҳазалар билдириди. Бу мавзуларда публицистик чиқишлар, журналист суриштирувлари йўқ ҳисоб. Бугунги публицистларимизда маҳорат ҳам, жасорат ҳам етишмаяпти. Публицистика мавжуд муаммоларни очиб бериш ва уларни бартараф этишда барчани сафарбар қилувчи қудратли куч эканини ижодкорларимиз унунт масликлари даркор.

Мазкур фаслимизда устоз публицистасининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилади.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийиси,
"Олтин қалам"
миллий мукофоти совриндори

ИБРАТ САБОҚЛАРИ

Сайди ака билан узоқ йиллардан буён қадрдомиз. Эшитишмча, дўстлигимиз, биродарлигимиз борасида кимdir ёзибди. Шу боис унинг яхши инсонлиги, дўстлиги ҳақида эмас, бошқа бетакрор қирралари хусусида тўхтамоқчиман.

Сайди Умировнинг бутун онгли ҳаёти ягона бир мақсадга — журналист кадрлар тайёрлаш ишига баҳшида бўлди. Бўлажак ижод аҳлига бор билими, тажрибаси, меҳрини бериб келаётган устознинг эллик йилдан зиёд даврдаги меҳнат фаолиятининг ўзагини, меҳварини истиқлол йилларидағи саъй-ҳаракатлари, изланишлари ташкил этади. ЎзДЖТУдаги халқаро журналистика, ЎзМУдаги журналистика факультетларида бўлғуси журналистларга таълим-тарбия бериб келаркан, Сайди ака журналистика назариясининг энг сўнгги ютуқларини талабаларга етказишига уринади. Энг муҳими, ана шу назарий билимлар асосида ёзиш кераклигини ўзи амалда кўрсатиб беради.

Домла ёзганда ҳам кичик бир бадиий деталдан катта тимсолларгача эсда қоладиган қилиб, меҳр кўри билан ёзади. Унинг таниқли олимлар, ижодкорлар ҳақида ёзган ўтизга яқин портрет очерклари мутлақо бир-бирини таҳрорламайди. Уларда қаҳрамонларининг шундай сифатлари, характер белгилари топиб берилганки, булар, таъбир жоиз бўлса, рассом Рафаэлнинг шогирдлари расмларига қўшимча қиласидиган "бир чизиги"ни эслатади.

Сайди ака Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновни хотирлайдими, профессор Бегали Қосимов тўғрисида ҳикоя қиласидими, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Faфуроғ ҳақида ёзадими, уларнинг ўзларига хос одатлари, тийнатларидан характерли бир "бўлаги"ни келтириш билан мақоласини жонлантириб юборади. Бу санъат, бу маҳорат белгиси.

Ҳар бир ижодкорнинг ўзи севган, ёқтирган мавзуи, адиллари, замондошлари бўлади. Сайди ака Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Эшқобил Шукур каби ижодкорлар ҳақида ёзаркан, уларнинг истеъоди, бадиий маҳоратига қойил қолганини қойилмақом қилиб ифодалайди, муносиб ташбеҳлар, эпитетлар топади. Сайди ака ўзи ёзган мақолалардан қаноат ҳосил қилганда ёш боладек қувонганини, мақоласидаги ўзига ардоқли нуқта ва фактларни, таъбир ё тавсифларни қайта-қайта шавқ билан ўқиганини кўп кўрганман.

Сайди Умировнинг кейинги йилларда ёзган асарлари ичида алоҳида таъкидлашга сазоворлари талайгина. Булар сирасида "Эркин Воҳидов публицистикасига чизгилар" ("Ўзбекистон овози", 2016. 27 декабр), "Ашъори эш, қобил ижодкор" ("Ҳуррият", 2016. 7 сентябр), "Етук мухаррир, камтар мунаққид" ("Маърифат", 2017. 24 декабр), "Халқ ардоғидаги мутафаккир" ("Ўзбекистон овози", 2017. 28 декабр) каби мақолалари тилга тушди. Уларда муаллифнинг билими, салоҳияти, тафаккур доираси манаман деб кўриниб туради.

Сайди ака бугун қутлуғ ёшга қадам кўйди. Биз дўстлари, ҳар қанча қутласак, дил изҳорини ёzsак арзиди. Лекин ҳозир мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлининг янги довонидан ошаётган масъулиятли бир даврда энди ҳордик чиқарсан бўлади, дея дўппини бошдан олиб кўядиган вақт эмас. Хусусан, мамлакатимиз раҳбари журналист кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида университет ташкил этиш кераклигини таъкидлаган бир пайтда филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республика-

ЯХШИЛИКШУНОС

сида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Олтин қалам" миллий мукофоти совриндори Сайди Умиров белбоғни бир неча жойидан маҳкам боғлаб файрат қилишига ишончим комил.

Сайди ака бу йўлда толманг, чарчаманг! Ўзингиз иборангиз билан айтганда "Кўп ва хўп ёзинг!". Ҳамиша олдинги сафда бўлинг!

Ўқтам МИРЗАЁРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий
уюшмаси раиси ўринбосари,
Ёзувчилар уюшмаси
Бадиий публицистика кенгashi раиси,
"Хуррият" газетаси бош муҳаррири

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН НАМУНА

Сайди Умиров бугунги даврда содир бўлаётган воқеа-ходисаларга муносабат билдиришда улуғ ёшига қарамасдан энг тезкор ёзадиган, ҳозиржавоб журналистлардан биридир.

У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадиий публицистика кенгашининг фаол аъзоси сифатида вилоятларга уюштириладиган хизмат сафарларига ҳар доим шай турди. Унинг Тошкент, Сурхондарё, Навоий вилоятларида бўлиб, амалга оширилаётган янгиланишларни ёритгани фикримизнинг далилидир. Тезкорлиги шундаки, мақола ёки йўл очеркини сафардан қайтибоқ таҳририятга топширади. Демак, у сафар давомида фақат маълумот тўпламай, балки йўл-йўлакай ёзди ҳам.

Устоз Сайди Умиров жуда катта ижодий салоҳиятга эга ижодкор. Унинг қалбан самимийлиги ижод намуналарида ҳам акс этиб турди. Сўзга бой. Баъзан ҳеч бир етук олимдан қолишмаган тадқиқотлари билан ўз мухлисларини лол қолдиради. Бундай салоҳият, албатта, тинимсиз ўқиш, изланиш, янги маълумотларга қизи-

Ёзиши ёзib ўргатаётган устоз

қунчанлиги боис ижодий тажриба бўлиб тўпланган. Бир фўз билан айтганда, устоз Сайди Умиров ҳамиша жангга шай аскарга ўхшайди. Унинг юқорида саналган хисматлари бутунги ёш журналистлар учун ибрат мактабидир.

Сайди Умиров "Хуррият"да энг кўп чиқиб турадиган муаллифлардан, "Таҳририятимиз аъзолигини, қолаверса, ҳукуматимиз муносиб кўрган унвонни оқлашим керак-ку", дейди ҳазил аралаш.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
ЎзМУ журналистика факультети доценти,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
"Дўстлик" ордени совриндори

ЎЙНОВЧИ-МУРАББИЙ

"Пайнов" деган сўзимиз бор. Қишлоқда томорқани сугориш учун маҳалладошларга навбат билан сув берилади, сувни бехуда оқизмаслик учун томорқа ҳажмига қараб, вақт белгилаб қўйилади. Томорқасини сиздан кейин сугорадиган киши: "Бўлай дедингизми қўшни, бўпқолдингизми?" дея шошириб турди. "Шошилтирманг, ҳали пайнов чиққани йўқ-ку", дейсиз. Ер қониб сув ичгач, қўшнининг ерига пайнов сув оқиб чиқади. Бирор киши навбатдан қолиб кетса, "Менга сув тутул пайнов ҳам тегмади", дейди.

Пайновнинг маъноси шу. "Бу одам бир нарсага қизиқса борми, пайновини чиқармагунча қўймайди", деган гап шундан чиқкан. "Пайновини чиқариш" - бир ишни астойдил, кўнгил қўйиб, таг-тубига етиб, маъно-мөҳиятини тушуниб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қониқтириб бажариш.

Устоз Сайди Умировнинг "Маънавият мулкига саёҳат" деб номланган янти китобини ("Ўзбекистон" нашриёти) ўқир эканман, шу таъсирчан сўз ёдимга тушди.

ЯХШИЛИКШУНОС

Домла журналистика касбини ҳар тарафлама, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чукур, "пайновини чиқариб" ўрганган, намуна қаламини қутлуғ ёшида ҳам қўлидан қўймай келаётган файратли олимларимиздан бири. Кўпкари ўйинига қиёс қиладиган бўлсак, домланинг ҳали-вери отдан тушадиган, улоқни бирорга олдирадиган нияти йўқ. Аксинча, файрат камарини бўшаштирамай, илмда ҳам, амалиётда ҳам шахсий намуна кўрсатиб, "ўйновчи тренер"лик мақомини баланд тутиб келмоқдалар.

Бошқа касблар хусусида бошқа мутахассислар айтгани маъқул. Журналистикага келсак, бу соҳада кейинги йилларда фавқулодда муҳим ўзгаришлар юз берди. Узоқ вақт назарийётчи ва амалиётчи олимлар ўртасида ҳамкорлик, ҳамфирлилик бўлмади. Бир вақтлар "санъат санъат учун" деган шиор ҳукмрон бўлганидай, сабиқ тузум шароитида матбуот соҳасида асосан назарий ва мафкуравий қолиплар ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Педагогикада таълим ва тарбия уйғунлигига эришишдан кўра муҳим жиҳат йўқлиги анча кеч англанди. Журналистикада ҳам шундай бўлди. Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳалим Саидов ва бошқалар мана шу кемтикликни тўлдиришга чоғландилар. Сайди ака журналистикада ижод қаламини доимо ҳаракатда тутиш, маҳоратни муттасил ошириб бориш, кўлни қотириб қўймаслик, воқеаларнинг ҳамиша марказида бўлиш, шахсан кўрган, гувоҳ бўлган, таъсиранган, ҳис қилган, илҳомланган, идрок этилган нарсалар, изтироблар тўғрисида ёзиш лозимлигини уқдиришда давом этди. Бойбўта домла миллий журналистикамиз тарихи қатларидаги не-не ҳақиқату ҳолатларни қилни қирқ ёргандай заргарона ўрганиб, "тасодифий" ҳас-хашаклардан тозалаб, узоқ вақт кўлдан тушмайдиган, иш столида турмаса, ўрни билинадиган ажойиб дарслик яратди. Хуршид Дўстмуҳаммад журналистнинг касб одобини илмий жиҳатдан ўрганди, биргина

Ёзиши ёзиб ўргатаётган устоз

"иҳборот" сўзининг маъно-моҳиятига, таъсир кучи ва козибасига, кичик бир хабарнинг ижобий ёки салбий күч-кудратига салмоқли китоб бағишилади. Ҳалим Саидов журналистикада устоз-шогирдлик анъанаси, тўпланинг тажриба, шахсий намуна, турфа хил муаллифларга хос ифода услубларини ўрганиш нақадар муҳимлигига ўтиборимизни қаратди. Ҳабибулла Олимжонов, Муҳаммаджон Обидов амалиёт йўлидан бориб, журналист суриштирувининг энг яхши, самарали намуналарини яратишиди.

Сайди ака бир вақтлар Абдулла Қаҳҳор асарларида деталь мавзусини номзодлик диссертацияси қилиб илм оламига шаҳд билан кириб келган. Бунга кўп йиллар бўлган, аммо ўшандан буён "деталь" деганимиз домла ижодининг маъно-мазмунига айланиб қолди десак, муболага бўлмайди. Устоз газета ёки журналга мақола ёзадими, одмироқ йиғинда сўз айтадими, жиддийроғида маъруза қиладими, ёш муҳбирлардай юрт кезадими, шогирд йўқлайдими, набиралари тенгилар билан майдонда тўп сурадими, бирор китобга сўзбоши ёки тақриз ёзадими, ҳамкаслар даврасида асқия пайровлариға қўшилиб, самимий хандон отадими, гоҳ эрта аzonда қўнфироқ қилиб (уйқунинг белига тепиб), ҳамкасларига бирор хушхабарни етказадими — ҳамма ҳолатларда ҳам гап айланиб бориб, деталга тақалади. Деталсиз сўз қовушмайди, фикр унмайди.

Деталь — ижодда фикрни лўнда ва таъсирчан ифодалашнинг, айтилмоқчи бўлган гапни ўқувчига қойиллатиб етказишининг сеҳрли мурвати. Бу мурват Антон Чехов, Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад, Неъмат Аминов, Шукур Холмирзаев каби ижодкорларда жуда баланд мақомга эга. Топилма, қўйма деталлар воқеа-ҳодисанинг маъно-моҳиятини пўсти арчилган шафтолидай очиб юборади. Деталь воситасида сиз гапнинг пўсткалласи-

ни, коса тагидаги нимкосани англайсиз. Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема" асарида шундай эпизод бор: ароққи бўйкан жоҳил Ўрозқул туғмас хотинини аёвсиз калтак лайди, қайнотаси Мўмин чолни ҳақорат қиласди, кўзлари қонга тўлган ҳолда ўтов ичидан чиқиб, биқиллаб қайнаб турган самоварни зарб билан тепиб юборади. Самоварнинг қаппайиб турган қозонсимон қорни Ўрозқулини янада ваҳшийлаштириб юборади.

Сайди Умиров мақола, очерк ёки эссе ёзадими, Чингиз Айтматов, Файбуллоҳ ас-Салом, Асил Рашидов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Faфуров асарларини таҳлил қиласми, деталлар, ташбеҳлар ёрдамида улар ижодининг бир қараашда кўзга у қадар ташланмайдиган, аммо ўта муҳим жиҳатларини синчковлик билан таҳлил қиласди, ўқувчини таҳлилга тортилаётган асар муаллифининг ички дунёсига олиб киради. Фикримизга далил сифатида домланинг "Ер ҳам сув-ла ҳамкор, якқалам" мақоласидан парча келтирамиз: "Чингиз Айтматов публицистикаси — ҳаётий ва ижодий тажрибаси катта, билим савияси кенг, жаҳон адабиёти дурданаларини кўп ва хўб ўқиб, мағзини чаққан, гражданлик туйғуси кучли, мамлакат тақдирига даҳлдор, дунё воқеаларидан яхши хабардор, олам зарбини юраги қаъридан ўтказувчи, далил, ҳодиса ва жараёнларга замонавий онг, сайёравий тафаккур юксаклиги ҳамда теранлигидан қараб ҳукм чиқарувчи, баҳо берувчи дониш, етук, истеъододли ёзувчининг публицистикасидир. Унинг очерк ва эсселари, мақола ва хатлари, суҳбат ва нутқлари қамровининг кенглиги, маъносининг теранлиги, оҳори тўкилмаган, кутилмаган далил ва мисоллар, босиқ ва эҳтиросли, чўнг ва тифдор фикрларга, санъаткорона мушоҳада, фалсафий муҳокама, публицистик мулоҳазаларга бойлиги, тилининг содалиги, ширадорлиги, образлилиги, рангдорлиги, сўз ва ибораларнинг аниқлиги... ва яна кўп

фашилатлари билан ажralиб туради".

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг она тилимизга доир қуюнчаклик билан ёзилган, аввали 2009 йили адабиёт газетасида эълон қилинган, давоми "Китоб дунёси"да чоп этилган туркум мақолалари хусусида фикр юритар экан, Сайди домла шундай ёзади: "Тил, гул ҳақида тўлиб, яйраб, ёйилиб ёзишга, дил тўрида, тил учида турган фикр-мулоҳазалар, орзу-армонлар, ишаниш-кузатишларни бемалол ифодалашга кенг майлон очиб берадиган жанр илмий-бадиий публицистикадирки, Эркин Воҳидов унинг имкониятларидан унумли фойдаланиб келмоқда... Ардоқли шоиrimiz тилимизнинг бойлиги, хусни-жамоли, софлиги, муаммолари, истиқболи ҳақида мудом қайғуриб, жонкуярлик қилиб келаётган фаол ижодкорлардандир... Шоиrimiz "Китоб дунёси"нинг хонтахтасида биз, ўқувчиларга тўкин дастурхон ёзив, тилдан тайёрланган, бири-биридан мазали тўрт хил таом билан меҳмон қилди. Келинг, таомилга қўра, қўл очиб фотиҳа қилайлик: илоҳи омин, экканнинг (излаб, топиб ёзганнинг), тикканнинг (ушбу мақолаларни чоп этганнинг), еганинг (ўқиганнинг, баҳраманд бўлганнинг) отасига раҳмат". Бу ерда "дастурхон" — ўзига хос деталь. Гап шундаки, Эркин ака мақолаларининг сўнгти боби "Дастурхон" деб номланган ва бу сўзнинг этимологияси жуда чукур очиб берилган.

Сайди Умировнинг шоир Муҳаммад Юсуф ижодига бағишлиланган мақоласидан иқтибос: "Назмлари, назарингизда, қайнар булоқдай, мисралари тог бағридан ўйноклаб оқиб келаётган шалолалардай. Баъзилар наздидаги Муҳаммад Юсуф учун шеър ёзиш сув ичгандай, писта чаққандай осон туюлиши мумкин. Ҳолбуки, унинг учун ҳар бир сўз, ибора, образ узоқ изланиш, ўйланиш, қайта-қайта ишлаш, тунларни уйқусиз ўтказиш

натижасидир. Битта шеъри олти-етти шеърга татигулик, битта китоби бир неча китобнинг ўрнини босгулик. Ўйлаб ёзди, ўйнаб ёзди, кулиб, ҳиссиётга берилиб, йиглаб ёзди, муҳлислари кулиб, ҳаяжонланиб, йиглаб ўқишиди, ёд олишиди. Устоз шоиримиз Эркин Воҳидов ташбеҳидан фойдаланиб айтганда, Муҳаммад Юсуф дуторининг тори ҳам иккидур: бири дилхуш, бири дилхун. Дилхун шеърлар, оғриқли сатрлар, асосан, мустабид тузум йилларида, дилхуш нақшлар мустақиллик, ҳурлик даврида яратилган".

Бундай таъсирчан, ўқувчи хотирасига нақшланадиган қўйма ифодалар, мантиқан кучли ва жойига тушган қиёсларни Сайди Умировнинг бошқа кўплаб мақолаларидан ҳам келтириш мумкин. Мен ҳатто домланинг, юқорида айтиб ўтганимдек, набираси тенгилар билан тўп суришида, шу ишидан завқ олишида, коптокни қаерда қабул қилиб, бошқаларга қай ҳолатда узатишида ҳам ўзига хос маъно кўраман. Машхур футболчи Зинадин Зидан футбол майдонини тарқ этиб, ўзининг қон томирлари боғланган мамлакатларда бу ўйин ривожига ўз ҳиссасини қўшаётгани муҳлисларга аён. Ўтган 2013 йили бу машхур футболчи "Россия—24" телеканали мубирининг: "Сиз мини-футболни ривожлантиришга кўпроқ эътибор бермоқдасиз. Бунинг сабаби нимада?", деган саволига шундай жавоб берди: "Катта футболда майдонда беш-ён дақиқа ҳаракат қилаётган ўйинчининг оёғига тўп тегмаслиги ҳам мумкин. Бу — оддий, ажабланмайдиган ҳолат. Мини-футболда сиз тўп билан кўпроқ ишлайсиз, тўпдан узоқлашмайсиз, ўзингизни ўйинчи сифатида курашнинг ичida, марказида ҳис этасиз. Ҳар гал, тўп оёғингизга келиб тушганида, у билан рақиб дарвозаси томон интилар экансиз, футболдек оммавий ўйинга дахлдорлигингииздан магрурланасиз".

Домла Умиров ҳаётда, ижодда, худди мини-футбол

майдонида бўлганидек, воқеа-ҳодисаларнинг бевосита шида, марказида бўлишга, "тўп"дан, курашдан узоқ-шисмасликка, аксинча, бу жараёнларнинг фаол иштироқчиси сифатида ўз имкониятларини намоён этишга, билим, тажриба деб аталмиш "тўп"ни ўзида узоқ сақламай, ортиқча "дриблинг"га берилмай, вақтида шогирдларига узатишга ҳаракат қиласди. Шу маънода, у кишини ёшлик шижаотини сақлаб келаётган ўйновчи-узатувчи мураббийга ўхшатиш мумкин. Кўпсонли шогирдлар домлани шу жиҳатлари учун ҳам қадрлашади, майдонга бирга тушишдан чўчишмайди.

Аҳмад ОТАБОЕВ,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси бош муҳаррири ўринбосари,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

БОШҚАНИНГ ЮТУГИДАН ҚУВОНАДИГАН ИНСОН

Сайди ака ҳаммамизни ўқитган. Бизни журналистика сирларидан хабардор қиласди, журналистикага ҳавасимизни кучайтирган устозларимиздан бири. Талабалик йилларимда мен домланинг адабий-танқидий мақолаларини ўқиганман. Шунча вақт ўтган бўлса-да, ўша мақолалари ҳали-ҳануз ёдимда турибди. Адабий танқиднинг вазифалари нимадан иборат? Бугунги адабий жараёнда адабий танқиднинг ўрни қандай? Устоз адабирамиз ижодига адабий танқиднинг муносабати қандай? Мақолаларида ана шу масалалар жуда аниқ ва ниҳоятда талабчанлик билан қўйилганди. Чунончи, Абдулла Қаҳҳорнинг маҳорати ҳақидаги мақоласини олайлик.

Унда тадқиқотчи ёзувчининг бадиий деталдан қанчалик унумли фойдаланганини асарларидан олинган конкрет мисоллар билан назарий жиҳатдан асослаб берган. Шу жиҳатдан бизга жуда ёқарди. Домлада куч-куват, иштиёқ етарли. Шу боис, номзодлик ишидаги фикрмуроҳазаларини бугунги адабий жараён билан боғлаб, қиёслаб яна шундай мақолалар эълон қилса жуда яхши бўларди.

Устознинг публицистик ижоди ҳам ҳароратли, самимий. Масалан, ўтган йилларда бир қатор ёзувчилар ҳақида яхши адабий-публицистик асарлар ёзди. Жумладан, Иброҳим Faфуров ҳақидаги каттагина мақоласи "Китоб дунёси" газетасида чиқди. Шоир Эшқобил Шукур ва бошқа ижодкорларга бағишлиланган мақолалари ни ҳам таъкидлашни истардик. Машҳур адабиётшунос домламиз Тальят Солиҳов ҳақида жуда самимий хотиралар жамланган китобга ёзган тақризи ҳам чиройли чиқди. Сайди ака тўғри келган мавзуда ёзигб кетавермайди. Кўнглига етиб борган, дилига яқин олган, ўзи шу обьект ҳақида аниқ фикрга эга бўлган мавзуларда қалам тебратади. Мана шу важдан ҳам унинг публицистик асарлари дарҳол тилга тушади.

Яна бир эътиборли жиҳат. Матбуотда чиққан адабиётга оид мақола борми, чоп этилган янги китоблар борми, булар домланинг назаридан четда қолмайди. Ўзаро суҳбатларда фалон газетада шундай асар чиқибди, ўқидингизми ёки фалон нашриётда шундай китоб чиқибди, кўзингиз тушдими, деб сўраб қолади. Ўзи уларни биринчилардан бўлиб топиб ўқиди, фикрларини айтади. Бу ижодкорнинг фаоллигини, сергаклигини, ўз ишига меҳр-муҳаббатини, иштиёқини кўрсатиб туради.

Энди Сайди аканинг шахси ҳақида гапирадиган бўлсак, у киши бизни ўқитганда қандай сурату сийрат-

га эга бўлган бўлса ҳозир ҳам шундай: ҳамиша юзида нур, лабида кулгу, тилида, дилида самимий истаклар билан оддий бир мақоламиз бўладими, суҳбат ёки таҳрирдан чиқарган кичик материалимиз бўладими, дарров ўқиб, илғаб, табриклаб, доимо кўнглимизни кўтариб, ижодга, журналистикага бўлган саъй-ҳаракатимизни, ҳавасимизни рағбатлантириб келади. Мана шу одатлари Сайди аканинг самимий инсон эканлигини, бошқанинг ютуғидан, меҳнатидан қувона билиш фазилатига эга эканлигини кўрсатади.

Назира ТОШПЎЛАТОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

ПУБЛИЦИСТИКА ОҲАНГИ

Устоз Сайди Умировни ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан биламан. Тўғрироғи домла ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультети декани муовини бўлиб ишлаш билан бирга бизга иккинчи, учинчи курсларда сабоқ берганди. Қизиқарли маърузаларининг мазмуни ҳалигача ёдимда. У бизга рус публицистларидан К.Симонов, М.Кольцов, А.Аграновский, Г.Радов, В.Овечкинлар ижоди ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Ҳар бир публицистнинг услугини ҳаётий мисоллар билан, яъни шу ижодкорнинг қайсиdir асаридан, муаммоли мақоласи, очерки ёки фельетонидан парча келтириш орқали асослаганида, "наҳотки шу публицистларнинг ҳамма ёзганларини ўқиб чиққан бўлса", деб ҳайратлангандим. Яна дент, айнан услуг масаласида гапириш ҳар ким учун ҳам эмасди, айниқса публицистикада. Чунки асосий куроли кўхна ва навқирон СўЗ бўлган публицистка да янги гапни айтиш жуда мушкул. Ҳар гал публицист ижод қилишга ўтирганда, гапни нимадан бошлашни билмай сукут билан узоқ яkkама-якка қолади. Кенин билмай сукут билан узоқ яkkама-якка қолади. Кенин

йин нималарнидир қоралайдио, устидан қалам торти, ёзганлари ёқмасдан қофозни фижимлайди. Гүё ҳамма гап айтиб бўлинган, ёзадигани бировни такрорлашлади бўлиб кўринади, китобларни варактлайди, хужжатларни титкилайди, ўрганган воқеасини кундалигига қаш этган ёзувлардан қайта-қайта ўқиб, тасаввурида жонлантиради. Кейин ўтириб, ишонч билан ёза бошлайди. Чиндан ҳам публицистикада янгилик яратиш, янги гап айтишнинг удасидан чиқиш жуда қийин. Аммо ҳами ша воқеликни янгича талқин қилиш, унга янгича ёндашиш мумкин. Шу маънода битта асар, битта мақола орқали ижодкор услубини бошқаларидан ажратиш анчагина мушкул. Бунинг учун уни тадқиқ қилаётган изланувчи кўп ўқиши, ўша ижодкорнинг ёзганларини узоқ вақт кузатиб бориши зарур. Сайди Умиров ана шундай эринмасдан топиб ўқийдиган, ижодкорларнинг ёзганларига қараб, уларнинг услубидаги ўзига хосликни нозик илғайдиган, буни тушунадиган, тушунтирадиган зукко олимлардандир.

Инсон ўзи муайян бир соҳада фаолият олиб борса ҳам, шу соҳанинг ичдиа ўзига ёқадиган қисми, йўналиши бўладики, у шу қисм ёки йўналиш билан машғул бўлса ҳузур қиласи, роҳатланади, қандайдир мажбурият туфайли эмас, бажонидил ишлайди, ҳақиқий маънода ижод қиласи, яратади. Сайди Умиров журналистика таълими соҳасида салкам эллик йил фаолият олиб бориб ўқитувчиликдан тортиб, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, педагогик фаолияти давомида вазият тақозоси билан журналистиканинг (назарияси бўладими, тарихи, тележурналистика, шарҳ, ҳатто фотографистикадан) бир қатор фанларидан дарс берган бўлса-да, уларнинг ҳеч бирини камситмаган ҳолда энг яхши кўрган предмети публицистика ҳисобланади.

Домла публицистикада худди денгиздаги балиқдай сузади. Маза қилиб ишлайди, изланади, газета ва журнallарда, китобларда чоп этилган публицистик мақолаларни қолдирмасдан ўқииди. Матбуотдаги чиқишларни мунтазам кузатиб боради. Таҳлил қиласи, таҳлилларида

шунчаки яхши ёки ёмон деган хulosани бермас-изчилини, изчили ўрганади, хусусан, мавзу танлаш, муаммалини, фактдан фойдаланишдан тортиб, далиллаш, сабабат каби жиҳатлар домланинг эътиборидан четда қолмайди. Ҳатто, бирор бир муаллифнинг камчилигини ўрсатишида ҳам "бундай ёзишдан муаллиф бошқа нарсални назарда тутган бўлиши эҳтимолдан холи эмас", деганинг кўнглига оғир ботмайдиган тарзда етказади.

Сайди Умировнинг "Публицист сабоқлари" деган каттагина тадқиқот характеристидаги мақоласи таникли рус публицисти Анатолий Аграновский ижодига бағишлиниади. Битта шу мақолани ёзиш учун домла публицистнинг йигирмага яқин очеркини, китобларини синчиклаб ўрганиб чиқсан. Фақат бу билан чекланмай, публицистнинг ишлаш услуби, унинг позицияси ва ҳаётий принциплари хусусида унинг интервьюлари, бошқаларнинг у ҳақидаги фикрлари орқали бойитади. Сайди Умиров шундай ёзади: "Ҳамма бирдек амал қилиши керак бўлган, лекин ҳамма амал қиласермайдиган шарт ва огоҳлантириш. Асар оҳангни масаласига А.Аграновский алоҳида эътибор берганича бор. Публицистнинг инонишончича, тўғри белгиланмаган, маромига келмаган оҳанг (тон) муаллифдан ўчини олади. Муаллиф қизишгани сари ўқувчи совуқкон бўлиб боради. Муаллиф фазабонок бўлса, ўқувчи босиқ тутади. Муаллиф ҳаяжон оғушида - ўқувчи бўлса, лоқайд. Ҳеч кутилмаган ҳолда асар тескари таъсир эта бошлайди. Бунга ўзбек публицисткасидан ҳам мисоллар келтириш мумкин". (Сайди Умиров. Дорилфунунлар тақдиримда. "Шарқ", 2008. 124- бет)

Сайди Умиров учун публицистиканинг оҳанрабоси унинг ҳаққонийлиги, халқоналиги, самимийлиги ва кутилмаганлигига. Ўзи ҳам ижодида бунга алоҳида аҳамият қаратади. Домланинг публицист сифатида ёзганларига эътибор берсак, унинг маромига етган оҳангни бор. Гарчанд гаплар узун тузилса-да, у ўқувчига малол келмайди. Аксинча уюшиб келадиган сўзларда фикр, оҳанг, баъзан сўзларнинг қоғияланиб келиши матнни тушу-

ниш, моҳиятни англашни осонлаштиради. Юқорида келтирилган парча фикримизнинг исботи бўла олади. Ёки яна бир мисол. Марҳум адабийтшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов ҳақида "Излай-излай топгани" сарлавҳали мақоласида шундай сатрларни учратиш мумкин: "Публицистик руҳ билан йўғрилганлик профессор Бегали Қосимов мақола, тадқиқотларининг ўзига хос хусусияти, фазилатларидандир. Ақл билан юрақ, илм, мантиқ ила ҳис, туйғу ҳамкору ҳамдастлиги, фуқаровий жасорату катта, чўнг маҳорат иттифоқи сифатидагина юзага келади бу фазилат" (ўша манба. 107-бет).

Сайди Умиров публицистикасининг бошқалардан ажralиб турадиган жиҳати — сўзни моҳирона кўллаши, ҳалқона топилмалари, енгил мутойибасида кўзга ташланади. Домла қандай ўйласа, шундай ёзади, қандай тушунса, шундай тушунтиради, шундай етказади. Соҳада кўп йиллар бирга ишлаган қадрдони, дўсти, ҳамкаси, филология фанлари номзоди Бойбўта Дўстқораев ҳақида "Дўст ҳақида сўз" сарлавҳали мақоласида "Б.Дўстқораев адабий жараённи мутазам кузатиб, мақола, тақризлар билан иштирок этиб, баҳс-мунозараларда фаол қатнашиб келаётган синчков филолог, журналист, қолаверса "ашаддий" китобсевар, атоқли олим Озод Шарафиддиновнинг шогирдларидан эканини назарда тутсак, унинг билими, савияси, китобга учлиги борасидаги тасаввуримиз янада кенгаяди", деб ёзади (Дилпарвар олим. "Баёз", 2013. 7-бет). Сайди Умировнинг ёзганларида баъзан гап кесим билан тугамаслиги мумкин. Кесимнинг ўрнига сифат ёки аниқловчи келиши ҳоллари кўп учрайди. Бу ўринда қофияларга ўхшаш топилмалардан кенг фойдаланади. Масалан, "...тўқлика шўхлик, нонтепкилиқдек (нонкўрлик) бадаҳлоқликлар тасвир-баёнида публицист тонини ва тўнини ўзгартиради...", "...муҳаррир сифатида баъзан юмшоқ гиламлар устидан юриб бориб, қаттиқ гап эшишилари...",

"Асқад Мухтор кўп ва хўб, куюниб ёзган мавзутил муаммоси..." сингари сўзларни кўллаш Сайди Умировнинг услубигагина хос. Унинг таҳдиллари асосини, сўзи содда ва самимий, эътирофлари юқори, эътиrozлари андишли, танқиди юмшоқ, тавсиялари маслиҳат ўрнида келишига гувоҳ бўлиш мумкин. Шу маънода Сайди Умиров ижодининг асосий кредоси — яхшилик ва маърифийлиқдир. У ҳамма нарсадан яхшилик қидиради, ҳаммага яхшилик қилишга уринади. Баъзан Сайди Умиров ижодида унтилган ёки истеъмолдан чиқиб кетган сўзларни ҳам учратиш мумкин. Бу домла ҳам зоҳирланади, ҳам ботинан етук публицистдир. Мен у кишидан бундан 25—30 йиллар илгари сабоқ олиб, шу даврда домлани устоз, публицистиканинг билимдени сифатида кашф этган бўлсан, ўшандан бери домланинг ёзмаганини ёки ёзмай қўйганини эслай олмайман. Устознинг бир ҳаётий шиори борки, уни бизга бот-бот эслатиб туради. "Журналистика факультетида таълим берадиган одам, албатта ўзи ижод қилиши, ёзиши кепрак. Бўлмаса талабаларни ишонтирмайди", дейди. Даражакиқат, айрим ҳамкаслари йиллар давомида матбуотда битта жўяли мақола билан чиқиш қилмаётган бир пайтда саксон ёшли устозимизнинг матбуотдаги фаоллигига ҳавас қўлмай бўладими? Бир йилда лофт бўлмаса ўн-ўн иккита мақола республиканинг турли газета ва журналларида эълон қилинади. Улар шунчаки мақолалар эмас. Айримларини жиддий тадқиқотларга менгзаш мумкин.

Парвина ОМОНОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети Халқаро журналистика
факультети магистранти

САРЛАВҲА СИНОАТИ

Журналистика факультети талабаларига "Сарлавҳа ярим мақола" деган фикрни жуда кўп такрорлашади. Унинг маъносини эса ҳар ким ҳар хил талқин қиласди; кимдир сарлавҳа матннинг энг асосий мазмунидан келиб чиқиши, сарлавҳани ўқиган одам матннинг яримини ўқигандек бўлиши керак, дейди. Яна кимдир яхши танланган сарлавҳа матнни ҳеч бўлмагандга яrimини ўқишга мажбурлайди, қолган яrimини матннинг сифати ҳал қиласди, дейди. Устоз таъбири билан айтганда, "аввал қизиқтириб, кейин ёрилади". Сарлавҳа ҳақидаги фикрлар қандай бўлмасин, мисол, албатта, Сайди Умиров изходидан ҳам келтирилади. Боиси устознинг, сўзсанъати шайдосининг бисотида сарлавҳанинг назарияда келтириладиган неки тури бўлса, учрайди. Устознинг сарлавҳалари оддий газетхонни ҳам, ахборотни қисқа сатрларда ўқишга одатланиб қолаётган биз, талаба-журналистларни ҳам мақоланинг охиригача ўқишга мажбур қиласди, ўзига тортади.

"Томчилаб йиғиб, ҳовучлаб узатиб". Одатда сахий инсонни тасвирилашда ишлатиладиган тасвирий ифода. Мақола қаҳрамони ҳам сахий, "одамохун, дастурхони очиқ" инсонлардан. Бироқ сарлавҳа унинг фақат сахийлигига ургу берилгани учунгина бундай танланмаган, балки қаҳрамон (Нусрат Раҳмат) "матбуотда мақола, суҳбат, очерк, фельветон, хат билан чиқиб (қошиқлаб йиғиб), кейинчалик ҳикоя, қисса, роман, китоб ҳолида ўқувчига тақдим этадиган (чўмичлаб узатадиган) изходкорлар сирасидан" бўлгани учун шундай номланади. Муаллиф бир сарлавҳа билан "икки қўённи" моҳирона "урди".

"Тиконли хушбўй атиргул"... Одатда атиргул аёллар-

и писбат берилганда ишлатилмас эдими, деб қоласан ёши. Муаллиф сарлавҳа бундай танланишининг тариси борлигини ёзади. Мақола суюкли болалар шоири, моҳир пародиянавис Т.Адашбоевнинг тўплами ҳақида, тўпламга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик "Атиргул" номли бошсўз ёзади. Унда адиб, фикрлари асноси парадияни атиргулга ўхшатади, гулшандаги ҳидсиз тўплардан кўра, тикони бўлса ҳам атиргул яхши, дейди. Гурсунбой Адашбоевнинг пародияларида қора ният йўқ, кимнидир айблаш, камчилигини изҳор этиш йўқ, дейли. Бундан таъсирланган муаллиф гўзал тасвирий комбинация яратади — тоза ниятда моҳирона ёзилган сатира ва юморга бой пародияларни тиканли хушбўй атиргулга ўхшатади.

"Хотираобод". Бу кўш сўз ўзбек изоҳли лугатида учрамайди, балки муаллиф кузатувининг маҳсули. Унда бир пайтлар Тошкент шаҳрининг чекка, пастқам, кўримсиз жойларидан ҳисобланган ("алвости кўприк", шахимали жарликлар, ярим тунда янграган ўқ овозлари, нари бери кўмилганидан кийими, оёфи, соchlари кўриниб қолган шаҳидлар ҳақидаги ҳикоялар урчиган) файзсиз ернинг эндиликда энг кўримли, баҳаво жойга, муқаддас қадамжога айлангани ёритилади. Ҳар қандай сийقا сифатлашлардан холи сарлавҳа "Шаҳидлар хотираси" мажмуаси номини, шу билан бирга, шаҳид кетган аждодларимиз хотирасини назарда тутади ва ҳар иккисининг обод бўлганини жуда инжалик ва лўндалик билан бир сўзга бирлаштиради.

Устознинг сарлавҳалари доим шундай — кўринганидан чуқурроқ маънони беради, уни уқиб олиш учун ҳам газетхон мақолани охиригача мажбур қилинади. Сарлавҳа нега бундай қўйилганини тушунгунингизча, қаҳрамон ўз тийнатию сийратига маҳлиё этишга улгуради. Ва ниҳоят, сарлавҳа қўйилган мақсадга эришади — у ўқувчини ўйлантиради.

Масалан, "Пойқадами ёққанди" номли мақолада сарлавҳа охиригача нега бундай қўйилганининг сирини ошкор этмайди ва натижада охиригача кўз узмай ўқили-

шига эришилди. Бегали Қосимовнинг "Излай-и шай топгани" нима эканлигию Мурод Иброҳимов нега "Муродига етган олим" дейилаётганини ўқиб билиб олмагунингизча кўнглингиз жойига тушмайди. "Куй авжиди узилмасин тор" сарлавҳасини ўқийсизу ҳали матнини ўқишга етиб бормасингиздан, тасвирийлик, образликинг кучидан этингиз жимирлайди, рангингиди оқаради - "кимнинг тори узилибди экан..."

Устоз Сайди Умиров ижодидан бу сингари мисолларни кўплаб келтириш ва унинг сарлавҳа танлаш маҳоратини мазкур юмуш усталари қаторининг юқори ўринларига ёзib қўйиш мумкин.

Тўртинчи фасл

СПОРТСЕВАР, МЕҲРЛИ ИНСОН

Устоз Сайди акани илк бора Сирдарё даштларида пахта мавсумида самимий инсон, меҳрли мураббий сифатида қашф этганимиз ҳақида айтгандик. Кечини овқатдан сўнг уюштириладиган гулхан атрофидаги турунг ва мушоираларда Сайди аканинг ҳам ўрни алоҳида бўларди. Гоҳ ўша даврнинг машҳур футбол шарҳловчилари Николай Озеров, гоҳида Котэ Махарадзе образига кириб, даврани қизитарди.

Бундан маълум бўладики, футбол Сайди аканинг энг яхши кўрган спорт тури. Ўзи ҳам бинойидек ўйинчи — хужумчи. Ўшанда ҳам пахта майдонларининг ажриқ босгандан чет жойларидан тўп суриш учун майдон танлар, эрталаб футболчи-талабаларга "Яхшилаб теринглар, тушдан кейин футбол ўйнаймиз", дея огоҳлантириб қўярди. Собиқ совет даври пахта сиёсатининг "ўзига хосликликлари"дан кўрқмасдан бизни футболга олиб чиқар, ўша текис майдоннинг икки четида, пахта ўқ ариқларидан чиқсан катта кесаклардан дарвоза ясалиб, ўзи ўйновчи-мураббий мақомида тўп сурарди. Камина ҳам талаба устознинг жамоасида дарвозабонлик қилган. Бир икки ўйин-машғулотлардан кейин журналистика факультети термасини тузиб, қўшни колхозларда пахта тераётган бошқа олий таълим муассасалари футбол жамоаларини мусобақага чорларди. У бугун ҳам, саксон ёшига қарамасдан, талабаю ҳамкаслар билан футбол ўйнашни канда қилмайди.

Ишхонамиз манзили ("Бошлангич таълим" журнали таҳририяти) Матбуотчилар кўчаси, 32 уй. Қаватимизда "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари

ЯХШИЛИКШУНОС

таҳририяти жойлашган. Бош муҳаррири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов. Сафар ака узоқ вақт "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталарига ҳам раҳбарлик қилган. Спортни яхши тушунади.

Бир куни эрталаб ишга келсан, Сайди ака қават йўла-гида ўзининг машҳур "походка"сида у ёқдан буёқقا юрибди. Жаҳд билан қадам ташляяпти. "Тинчликмикан, ё Сафар ака мақоласини бермадимикан", деган фикр лип этиб хаёлдан ўтди. Эътибор берсанам, кеча газета чоп этилган шекилли, "Ўзбекистон овози"нинг эшиги ёпик.

Устозга яқинлашиб, кўришганда билдимки, қўлида қоғоз тахлами — мақоласини олиб келган кўринади. Юзида бир қадар ҳорғинлик, кўзларида жаҳл аралаш безовталик. Кўп вақтдан буён уни бу алфозда кўрмаганим учун "тинчликми, домла", дедим.

Маълум бўлдики, туни билан ухламай жаҳд билан мақола ёзиб, эндиғина таҳририятга кириб келган жойида дуч келган эканман. Қалбаги ғалаён қоғозга тушса-да, фикрининг ярми қолиб кетган шекилли, чала сўрашгунча гапира кетди.

— Бир ўйлаб кўринг, нима етишмаяпти буларга? Ҳукумат шунча шароит яратиб берәётган бўлса, янги стадионлар, катта-катта маошлар... бу ёқда ишқибозлар тинимизиз қўллаётган бўлса. Инсоф ҳам керак-да... Шуларни ёздим, э-э, хафа бўлишса бўлар, лекин ўйлаб кўришсин-да энди...

Стадиону ишқибозларни эшитиб, домланинг кеча футбол бўйича юртимиз терма жамоасининг ўз майдонимизда жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлдан бой бериб кўйгани учун жиғибийрон бўлаётганини англадим. Тунда асабим бузилган бўлса-да, эрталаб ишга келгунча унутибман. Устоз, ҳақиқий фидойи ишқибоз сифатида нафқат унугмаган, ухламасдан дардини тўкиб, ўйинчиларни инсофга чақириб, уларнинг ғурурини қўзғаб мақола ёзибди! Бу сингари безовталик замирида, албатта, эзгуликка интилиш бўлади.

Сайди аканинг шахматга ҳам ишқибозлиги бор. Ижод-

кор шахматчилар даврасида тезкор ўйини, мусобақалар ташкил этишини кўп бора эшигтанман, кўрганман. Кейин билсан, маҳалласида ҳам фаол экан. Қисқаси, ушбу фаслимизда устознинг ана шу қизиқишилари, шу билан бирга унинг меҳридан баҳраманд бўлғанлар ҳақида дўсту шогирдлар ва яқинлари фикри билан танишасиз.

Сафар ОСТОНОН,
"Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана"
газеталари бош мұхаррири,
Ўзбекистон Республикасыда
хизмат күрсатган журналист

ФУТБОЛНИНГ ҲАҚИҚИЙ ШАЙДОСИ

Устоз Сайди Умировни нафақат ижодкор, олим, балки футболнинг фидойи мухлиси сифатида ҳам яхши биламан. Терма жамоамиз ютқазиб қўйса, эртаси куниёқ фифони фалакка чиқиб, таҳририятга танқидий мақола олиб келади, таклифларию саволларни қалаштириб ташлайди: нега жон куйдиришмайди, нега гол уришолмайди?.. Бир гал "Гол қайғуси" сарлавҳали мақоласи газетамизда чиқди. Унда мураббий тактикаси, ҳимоячилар, хужумчилар ҳаракатини билганича таҳлил қилган эди. Бир фикри тўғри, бири эътиrozли бўлиши мумкин, албатта. Лекин мақолада бир мухлиснинг, ватанпарвар инсоннинг "куиди-пишдиси" борлигидан кўнгил қувонади.

Сайди ака ижодкорлар ўртасида турнир борки, барчасида қатнашган. Баъзан ёшини ҳурмат қилиб, ҷарчаб қолмасин, деб алмаштироқчи бўлсангиз, ранжиб қолади. Ҳар келганда "Сафаржон, ўзингиз бир футбол турнири ташкил қилинг, мазза қилиб ўйнайлик", дейди. Саксон ёшга кирибдики, ҳамон майдонда тўп суради. Нафақат қасбдошлар билан, балки набираси қатори талабаларнинг орасида ҳам уни кўп кўрганман. Ҳатто, унинг пахта мавсумида далалар чети - ажриқ қопланган жойларни топиб, "майдон" ясад, футбол турнирларини

юштирганини журналист шогирдлари гапириб юришади. Ҳозир ҳам турли сабаблар билан бундай мусобақалар уюштиришдан тўхтагани йўқ. 2018 йилда Сайди ака юштиришдан тўхтагани йўқ. 2018 йилда Сайди ака "Ўзбекистон овози" 100 ёшга тўлади. Ушбу қутлуғ сунларга бағишлаб ижодкорлар ўртасида йирик турнир узказиш ниятидамиз.

Спорт билан шуғулланмаган тенгдошлари эплагани юқ борса ҳассасига суюниб, маҳалла чойхонасигача боради, Сайди ака эса қоматини тик тутиб, футбол бимайдонига шошади. Бу соғлом турмуш тарзи, спорт билан ошнолик натижаси, дейиш мумкин. Аммо энг аниги тўғриси футболни чин юракдан севган, футбол ўйнаган киши қаримайди, кучдан қолмайди. Бунга устоз Сайди Умиров кафолат беради. Ишонмасангиз, у киши билан бир сұхбатлашиб кўринг...

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ,
спорт шарҳловчиси, Ўзбекистон Республикасида
хизмат күрсатган ёшлар мураббийиси

СПОРТНИНГ ЖОНКУЯР ТАШКИЛОТЧИСИ

Ўзбекистонда журналистикани, айниқса, спорт журналистикасини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Радио, телевидение, газета ва журналларда фаолият юритадиган намунали инсонлар жуда кўп. Улардан бири Сайди Умировдир. Илгари спортивиз жонкуяри Олимжон Акбаров хотирасига бағишиланган турнир ўтказиларди. Фарғонанинг Яйпанида фахрий ўйинчилар ўртасида, Тошкентда журналистлар ўртасида мусобақалар бўларди. Уларнинг якунидаги

на номинациялар бўйича совринлар бериларди. Сайди ака билан иккимизга энг фахрий журналист соғирни берилганди.

Бу кишида, энг асосийси, ташаббускорликни тақдиган бўлардим. Бир нарсага киришдими, албеттуниятига эришади. Ўқитувчилар, талабалар ўртасида гўннирлар ташкил этиш, шу ёшда бўлсалар-да, форманийиб, талабалар ўртасига кирволиб футбол ўйнани булар ҳавас қиласа арзигулик.

Сайди акага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлилар мураббийси унвони берилганда биринчилардан бўлиб табриклаганман. Кафедра мудири пайтида бир мавсум мени спорт журналистикасидан дарс беришга таклиф этди, неварам, ҳозир шарҳловчи Диёрнинг битирун ишига раҳбарлик қилди. Бугун ҳам саксон ёшлари муборак бўлсин, дейман. Ҳозирги кунда саксонни эмас, худодан умр сўраш мақсадида бўлса керак, 1000 ойлик(83 йилу 4 ой)ни тантана қилиш ҳам урф бўлмоқда. Тилагим шуки, ўша кунларда ҳам худди бугунгидек соғу саломатликда шукrona дастурхонларини ёёсинлару бизга ҳам у кишини табриклиш насиб этсин!

Шодмон ОТАБЕК,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ШАХМАТ ТАХТАСИ – ҲУЖУМ МАЙДОНИ

Ёзувчи ва шоирлар ўртасида яхши анъаналар бор. Улардан бири ва менга ёқадигани шахмат мусобақалари мунтазам ўtkазилишидир. Сайди ака Умиров билан ана шундай турнирларда дона сурамиз. Ака шахматдан

олиб ўйнайди. Тезкор ҳужумда ўйнашни яхши кўрамади.

Шу билан бирга, шахмат мусобақаларининг ташкилиничи. Аксарият таҳририятларда ижодкор шогирдлари кўп. Ҳатто, Самарқандда ҳам шахмат турнири ташни угилди. Бунда унинг хизмати бор, деб ўйлайман.

Шахмат баҳона кўришиб, дийдорлашиб туришимиз тариклигини доимо таъкидлаб туради. Бодомзордаги ҳовалинига таклиф қилиб туради. Баъзи пайтлари дона суришимиз, беш-олти соатга чўзилиб кетганини сезмай ҳам қоламиз.

Ҳабиб ТЕМИРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" газетаси
бош муҳаррири ўринbosари

ШАХМАТГА САДОҚАТ

Сайди аканинг шахматга қизиқиши унинг ҳаётсеварлиги, ҳамиша "форма"да юришининг омилларидан бири деб ўйлайман. Чунки шахматчи учун руҳий бардамлик катта аҳамиятга эга. Шу боис у кишини доим руҳий кўтаринкиликда кўрамиз. У киши ҳеч қачон мусобақаларда ҳам, ҳатто, кундалик ўйинларда ҳам рақибидан хафа бўлмайди. Ёки ютқазиб кўйса бирдан руҳий тушкунликка тушмайди. Унинг ҳаётда устоз сифатида ҳавасни келтирадиган хислатлари кўп бўлиши мумкин, худди шундай шахматда ҳам ҳавас қиласа арзигулик жиҳатлари кўп.

Сайди ака Умиров садоқатли инсон. Шахматни ҳам садоқат билан ривожлантириб келмоқда. Футболга ҳам муносабати шундай.

Фарҳод АЛИЗОДА,
Сайд Ризо Ализода уй-музейи директори

ОҚҚҮНГИЛ ИНСОН

Бобом Сайд Ризо Ализода ўтган асрнинг бошларида яшаб, ўз даврининг жадид маърифатпарварлари қато рида фаолият кўрсатган. Ул зот турли жанрлarda беш юзга яқин асарлар ёзган, таржималар қилган. Қомусий билим соҳиби бўлиб, давр талаби билан муаллим, мурраббий, муҳаррир, мутаржим, муганий, муаррих, тил шунос, журналист, ношир, шоир, актёр, режиссёрик вазифаларини бажарган. Асарлари Марказий Осиё, Шарқ давлатлари, жумладан, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Озарбайжон, Тоҷикистон, Татаристон, Кримда чоп этилган. Туркистон, чор Россияси, кейинроқ сабиқ советлар маконида маълуму машҳур кишилардан бўлган ва кўп зиёлилар қатори ўша қаттол даврнинг қурбони ҳамдир.

Бу ҳақда атоқли олим Файбуллоҳ ас-Салом бир қанча тадқиқотлар, мақолалар ёздилар. У киши бу оламни тарк этгач, Тошкентдаги шогирдлари Сайди Умиров бу ишни давом эттиряпти. Бу киши ҳам оиласиз қадрдонига айланди. С.Умиров ҳам бир қанча мароқли мақолалар чоп эттиридилар, бобомизга бағишлиланган анжуманларда қизиқарли маъruzалар қилдилар, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида камина билан икки марта учрашув ўтказдилар. Тошкент, Самарқанд, Челакда Сайди домла билан гурунгларимиз умрбод ёдимда қолди.

Бобомнинг 130 йилликларини нишонлашда ҳам хизматлари катта бўлди. Аввало, бобом ҳақида чоп этилган "Сайд Ризо Ализода абадияти" китобига тўпловчилик, шунингдек, "Мовароуннаҳр фарзанди" ҳужжатли фильм сценарийсига муаллифлик қилдилар. Фурсатдан фой-

линиб, ташаккуримни изҳор этаман.
Сайди домла оқкўнгил, яхши инсон, умрларига, колларига барака тилайман!

Шуҳрат УМИРОВ,
Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги
"Жаҳон" АА хизмат бошлиғи

ҚИБЛАГОҲИМНИНГ КЎЗИ – ОТАМ ЎРНИДАГИ ОТАМ

Суюкли амаким – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров менинг биринчи устозим бўлади. Она қишлоғимда кўча чангигиб, ланка тепиб, чиллик ўйнаб юрган кезларимдаёқ, кўнглимда Сайди амаким сиймосига нисбатан катта ҳурмат, эҳтиром уйғонганини яхши эслайман. Ўшандан буён то ҳозирга қадар амакимга ҳавас қилиб келаман.

Сайди амаким ўз оиласи аъзолари билан қишлоғимизга тез-тез келиб туришарди. Қариндош-уруғларнинг бирон-бiri тўйи ёки маракасини қолдиришмасди. Ўша кезларда ҳам у кишини ҳамма ҳурмат қиларди - шаҳардан келишганидан то қайтиб кетгунларича ҳар бир қариндошимиз, қўни-қўшни, ёр-биродарларнинг уйига бир пастагина бўлса ҳам кириб-чиқишарди. Чунки ўша пайтларда одамлараро, хеш-акраболараро оқибат бошқача эди, назаримда. Сайди амаким кўнгли бушлиги боис бирорвнинг таклифига рад жавобини беришдан доимо хижолат чекар, хафа бўлиб қолмасин, деган андишада "бирровга, беш дақиқага кириб чиқамиз, факат раңжимайсиз", дея узр-ҳол қилганларига кўп маротаба гувоҳ бўлганман. Амакимнинг ёшу кекса билан са-мимий сұхбатлашиши, олим, фан номзоди бўлиши ба-робарида жуда камтар, мулойим, ширинсухан ва шу билан бирга қувноқлиги менинг – ўн уч ёшли бола-

кайниг ёш қалбидаги меҳр, муҳаббат ва ҳавас түшүүрини уйғотган эди. Ўшанда "Катта бўлсам Сайди амакимдек одам бўламан", деган орзу кўнглимдан жойлашып, Танловимнинг, ҳаёт ва қисмат йўлнимни иштидоси ўша кунларга бориб тақалса ажаб эмас.

Дадам раҳматли — Тўлқин Умиров (Сайди амакимнинг укалари) Самарқанд кооператив институтини ўқишимни режалаган, ёнига олиб ўз касбини ўргатишни ўйлаб юришидан хабардор эдим. Ўрта мактабни тақомлашим арафасида дилимдаги ниятимни, яъни Тоҷикентга бориб журналистика соҳасида ўқишини исташни айтганимда дадам раҳматли ҳеч бир монеъликни "майли, кўнглингга қара", деб рози бўлган эдилар. Ўшанда кезлари ўн еттига кириб-кирмаган йигитча эдим, ҳаста ёшга етганимдагина дадам ҳам кўнгил одами бўлганини, ўшанда ёш бўлсам-да қароримга ҳурмат билан қаранганини англадим. Унинг ботинан қандай катта одам, донишманларча фикрлайдиган, кўнгли ва қўли очик, дунёга ҳавас кўзи билан боқадиган, бир сўзли, сохтачиллик, хушомадгўйлиқдан нафратланадиган ва факат самимиятни қадрлайдиган инсон бўлганини сочимга оқоралаганда, ҳаёт, оила ташвишлари бошимга тушгандагина англаб етдим. Олти болани катта қилиб, ўқитиб, ўйлаб дўрулбаҳоға кетган отажоним-а. Ўтганларнинг охирати обод бўлсин, илоҳим, қолганларнинг умри, ризқи, баҳту таҳти зиёда бўлсин.

Буларни ёзётганимнинг сабаби Сайди амаким нафақат менинг яқин қариндошим ва устозим, балки мен дийдорига тўймаган (дадам Ҳиндистонда ишлаб юрган вақтимда вафот этганлар), бош фарзанд сифатида тобутини елкамда кўтариб сўнгти манзилга кузата олмаган падари бузрукворим, қиблагоҳимнинг кўзи, отам ўрнидаги ота ҳамдир.

1977 йили Самарқанд вилояти Пайариқ туманиндағи 7-ўрта мактабнинг олтинчи синфида ўқиб юрган кезларим. Ўша пайтларда мактабдан 30—40 чоғли ўкувчини тұтуплаб автобусда республикамизнинг тарихий шаҳар-

шарға икки-уч кунлик саёҳатга олиб чиқиши анъанашибди. Бир сафар Фарғонага бордик. Саёҳатдан қайтиб туманимиздан сўнг туманимизнинг "Коммунизм бай-бори" газетасида шу ҳақдаги "Мароқли ўтди" сарлавҳали шабарим имзоим билан босилиб чиқди. Ўшанда қандай тарбия-мақоласи газетада босилиб чиқсан касбдошларим туманинг қандайлигини яхши ҳис этишади.

Ўн-ўн беш кундан сўнг Сайди амаким Тошкентдан унганида ҳаяжон билан ўша газетани қўлларига тутқаздим. "Ие, Шухратжон, журналист бўлмоқчимисан? Қандай яхши, э "молодец". Одам бўламан, десанг яхши ўқитин болам", деганлари ҳали-ҳамон қулоғим остида қаранглаб турди. Бу гап мен учун сира бузуб бўлмас қонун-қоида сингари ҳам идрокимга муҳрланиб қолган мадди. Шунинг натижаси бўлса ажаб эмас - мактабни олтин медаль билан тамомлашга муваффақ бўлдим.

Дилимдан мустаҳкам ўрин олган ўша ҳавас мени Тошкентга етаклаб келди. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг Журналистика факультетида ўқиб, амаким ўтилари, йўл-йўриклиари остида таҳсил олдим. Беш йил давомида "ёмон баҳо олиб, Сайди амакимни юзларини ерга қаратиб қўймаслигим керак", деган ўй ва масъулият доимо хаёлимда, ичимда турар эди.

Шундан бўён бугунги кунга қадар касбим билан, журналистикага ҳавас уйғотган устоз амаким билан биргаман, ҳамнафасман. Олий таҳсилни тамомлаганимдан сўнг "Яхши журналист бўламан десанг катта қозонда қайнағин", деб маслаҳат берганлари ҳам эсимда. Ёшлиқ чоғларимда "Олим бўлмасанг ҳам, одам бўл!", деган мақолни ҳам тез-тез эслатиб турардилар. Шу ўринда Шайх Хованди Тахур Нақшбандийлик тариқатининг пири комили Хожа Аҳрор Валий ҳазратларига "Мулла бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма — мусулмон бўл", деб насиҳат қилинган ёдимга тушади.

Тақдир тақозоси билан касб йўлим "Қишлоқ ҳаёти" (ҳозирги "Қишлоқ ҳаёти"), "Халқ сўзи" сингарига нуфузли газеталар таҳририяларига, Ўзбекистон

Миллий ахборот агентлигига туташди. (Орада қисқа муддат республика телевидениесида, сабик "Мөхин" газетасида ҳам ишладим). Мана ўн етти йилдирки, Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги "Жаҳон" ахборот агентлигидаман. Нимагаки эришган бўлсам, уларда амакимнинг хизматлари катта, чунки устозим кўрсатган йўл-йўрикдан, панду насиҳатларидан четга чиқмадим, худо хоҳласа, чиқмайман ҳам.

Ўзим ҳақимда бироз кўпроқ ёзиб юборганимнинг сабби, ишонинг, нокамтарлик ёки манманликдан эмас, балки бирордан кам, бирордан зиёд бўлмасин, шу кунларга етганим шукронасини ва бунда амакимнинг ўрни жуда катта эканлигини таъкидлаш холос. Агентлигимиз, вазирлигимиз томонидан ишонч билдирилгани боис мамлакатимизнинг Дехлидаги элчихонасида салкам уч йил, Берлиндаги элчихонада қарийб тўрт йил ишлашга муяссар бўлдим. Сайди амаким тарбиясисиз бунга эришолмасдим, деган фикрда событман.

Умуман, амаким ҳақида кўп гапириш, ёзиш мумкин. Сайди Умиров таниқли олим, сермаҳсул ижодкор, меҳрибон мураббий бўлишлари баробарида яхши инсон ҳамдир. У кишининг камтарлигини жуда кўп кишилар эътироф этганига кўп бор гувоҳ бўлар эканман, ҳамиша ўзим учун тегишли хуносаларни чиқаришга ҳаракат қилганман. Масалан, ўзим ишлайдиган ахборот маҳкамасида агентлигимиз директори — таниқли журналист ва дипломат, устоз ҳамкасбим Аброр aka Гуломов, таниқли фото рассом Анвар Илёсов ва бошқалар Сайди амакимни "Устоз яхши юрибдиларми, бардам-бакувватмилар", деб тез-тез сўраб туришади. Ҳатто бир куни агентлигимизда ҳисобчи бўлиб яқинда иш бошлаган Нурилла Эшматов (таниқли журналист Курбон Эшматовнинг укаси) менга "Кеча акам билан кўришиб, сиз билан бирга ишлаётганимни айтгандим, амакингиз Сайди Умиров ҳақида жуда тўлқинланиб, илиқ фикрларни айтдилар", деди. Бундай гапларни, ҳол-аҳвол сўрашларни эшитганимда ҳар сафар қалбимда фаҳр-ифтихор туйғуларини туман.

Амаким сұхбатларида, ижод намуналарида "яхшиликшунос" деган сўзни кўп ишлатган. Аслида бу ташбеҳ амакимнинг сиймосига ҳам қуйиб қўйгандек ярашади. Бунга яса ҳаётий мисоллар жуда кўп, десам асло муболага будмайди...

Мурғак опа-укалар, яъни Марувса аммам, Сайди амаким ва дадам раҳматли жуда ёшликларида отадан етим қолишган — марҳум бобом Үмир Ҳайдаров иккинчи ҳаҷон урушида шаҳид бўлган. Йигирма бир ёшида бева қолган бувим — раҳматли Ойсулув энам бутун умрини уч боласига бағишилаган. Раҳматли домламиз, донишманд олим Файбулла ас-Салом таъриф берганидек, бувижоним колхозда ишлаб, паҳта териб, "уч фарзандини кипригининг устида катта қилган". Бувимнинг укаси, иккинчи ҳаҷон уруши ногирони, бағри кенг инсон Ортиқбой Болиев жиянларига том маънода оталик қилган — уларнинг илм олишидан тортиб то ўйли-жойли бўлишига қадар, ҳаммасига ўзи бош-қош бўлган. У ҳазрати инсон номига муносиб ҳаёт кечиргани, етимларнинг бошини силагани учун ҳам умрининг охиригача барча фарзандлари, қариндош-уруглар ва дўсту биродарларининг ардоғидан, самимий ҳурмати ва эҳтиромидан баҳраманд бўлди, деб ўйлайман. "Унинг муборак Рамазон ойида вафот этганида ҳам бир ҳикмат бор", дейди яна кўнглим. Сайди амаким ўзига, опаси ва укасига оталик қилган тогасини ҳамиша чексиз ҳурмат қилганини кўпчилик яхши билади. Шунинг учун бўлса кепрак, тогасининг деярли барча фарзандлари ўқимишли мутахассис бўлиб етишишларига раҳнамолик, мураббийлик қилди. Ундан ташқари, тогасининг яқин дўсти, ажойиб ва бағри кенг инсон Алибой Халиловга, Муҳаммад Мамараҳимов, Исоқ Ҳамидов, Мамадилло Тоғаев ва бошқа қавму қариндошларимизга нисбатан ҳеч қачон ўзининг ҳурмат-эҳтиромини, кўлидан келган кўмагини аямаганига шоҳидман.

Юқорида Сайди амакимга ҳавас қилишимни қайд этган эдим. Бу бежиз эмас. Чунки амаким ҳамма нарсага улгуради. Рости, қандай вақт топади, қандай улгуради,

деб кўп ажабланишимни яширмайман. Университет талабаларга дарс бериш, мунтазам илмий, публицистик, таҳлилий ва бошқа жанрлардаги мақолалар ёзиш, замондошлар, янги чиққан китоблар ҳақида ёзиш, бир неча кунлаб ижодий сафарларга бориш, телевидение ва радиодаги чиқишилар, "айтилган жойга бор, айтилмаган жойда нима бор", деганларилик, эрталабин ошларни қолдирмаслик ва ҳоказо. Яна спортни, кўнга вақтни "еб қўядиган" шахмат ўйнашни ҳам кандо қилимадилар. Буларнинг ҳаммасига ҳайратланмай, ҳанин қилмай бўладими ахир?

Яна бир муҳим жиҳат: Сайди амаким ҳаётдан замондошларга ҳам вақт топадилар. У киши давранинг гулли, десам устозни билганларнинг ҳаммаси бу фикрга кўшишига шубҳам йўқ. Нега завқ олмасин, ахир Ойлар янгамдек вафодор рафиқаси, Гулчехра опамдек олимкаризи. Ҳайитмурод поччамдай меҳрибон күёви, Абдулоҳиджондек хушхулқ ўғли, Зулфиядек оқила ва саришта келини, бир-биридан ширин, қўша-қўша невараю чеваралар ёнида бўлса... Бир инсон учун бундан ҳам катта саодат, бундан ҳам катта баҳт борми?

Мана бутун Сайди амаким кутлуг саксон ёшни қаршилаш арафасида турибди. Бизларнинг баҳтимизга саксондан ошиб, тўқсон билан тўқнашиб, юз ёш билан юзлашишларини Яратган эгамдан тилаб қоламан.

САЙДИ УМИРОВНИНГ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЧИҚҚАН КИТОБЛАРИ, ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ, ТЎПЛАМЛАРДА БОСИЛГАН ИЛМИЙ, ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛА, ТАҚРИЗ, ОЧЕРК, ЭССЕ, СУҲБАТЛАРИ РЎЙХАТИ

КИТОБЛАРИ

Солланиб оқаётган дарё (Файбуллоҳ ас-Салом портретига чизгилар). "Фан", 1994. 3,5 б.т.

Толибнома (ҳаммуаллиф F.Саломов). "Шарқ", 1996, 1997. 8 б.т.

Зиёбахш умр сахифалари (ҳаммуаллиф Б. Дўстқорасев). "Ўзбекистон миллий кутубхонаси", 2006. 7 б.т.

Дорилфунунлар тақдиримда. "Шарқ", 2008. 18 б.т.

Маънавият мулкига саёҳат. "Ўзбекистон", 2013. 12 б.т.

Сеҳрли ва меҳрли сўз. "Бодомзор-инвест", 2017. 26 б.т.

КИТОБ, ТЎПЛАМЛАР ТУЗУВЧИСИ

Яхшидан қолган боғ (Тузувчилар акад. Ж. Мусаев, доц. С. Умиров). "Ўқитувчи", 2001. 8 б.т.

Файбуллоҳ ас-Салом замондошлари хотирасида (Тузувчилар С.Умиров, Т.Эшбек). Т., 2002. 12 б.т.

Ҳаёт фалсафаси — яхшилик (академик Оқил Салимов 75 ёшда). (Тузувчилар: С.Қодиров, С.Умиров ва бошқалар). ТАЙИ, 2005. 11 б.т.

Истиқлол даври ОАВ: ютуқ, истиқбол ва муаммолар (тўплам). Т., 2010. 12 б.т.

Асил Рашидов сафдошлари, замондошлари нигоҳида (Тузувчи С.Умиров). "Ўқитувчи", 2011. 12 б.т.

Сайдид Ризо Ализода абадияти (Тузувчи С. Умиров). "Шарқ", 2017. 12 б.т.

КИТОБ, ТҮПЛАМЛАРГА МУҲАРРИР, ТАҚРИЗЧИ

Публицистичность творчества Э.Колдуэлла (Литори В.Рахимова, рецензент С.Умиров), Т.,1993.

Мустақиллик масъулияти (Муаллиф Сарвар Қодиров, тақризчи С.Умиров). Т.,ТАЙИ, 2004.

Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришини демократик андозалари (Муаллиф Х.Дўстмуҳаммад, тақризчи С.Умиров). "Ўзбекистон", 2005.

Эзгуликка чоғлан, одамзод! (Муаллиф Файбуллоҳ ис-Салом, тақризчи С.Умиров). "Шарқ", 1997.

Взаимодействие как источник обогащения национальной литературы (Сборник, один из рецензентов С.Умиров). "Академия", 2007.

Қирқ бешинчи бекат (Муаллиф А. Мелибоев, тақризчи С. Умиров). Т.,2008.

Абдулла Қаҳдор — шахс ва ижодкор (Тақризчилардан бири С. Умиров). "Тамаддун", 2013.

Ахборот — мӯъжиза, жозиба, фалсафа (муаллиф Х.Дўстмуҳаммад, тақризчилардан бири С.Умиров). "Янги аср авлоди", 2013.

ГАЗЕТАЛАРДА ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ МАҚОЛА, ТАҚРИЗЛАР

Суз айтгани келар дунёга инсон (Машраб Бобоев 50 ёшла). "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ("ЎзАС"), 1992. 15 сентябрь.

Жасорат (Бегали Қосимов ҳақида). "ЎзАС", 1992. 10 октябрь.

Солланиб оқаётган дарё (F. Саломов ҳақида). "Халқ сўзи", 1994. 8 январ.

Даҳолар тақдири ибратдир. "Халқ сўзи", 1994. 18 январ.

Салоҳият (Академик Т. Жўраев ҳақида, ҳаммуаллиф F.Саломов). "Ўзбекистон овози", 1994. 25 октябр.

Олим бўлсанг — олам сеники. "Туркистан", 1995. 5 апрел.

Журналист кадрларга эҳтиёж катта. "Кўзгу", 1995.

19 июн.

Дард, оташ меваси (Ёш шоир Фахриддин Содик Ҳакимова). "Туркистан", 1995. 28 октябр.

Бир шингил хотира (Академик В. Абдуллаев ҳақида). "Маърифат", 1997. 14 май.

Қалам заҳмати. "Ишонч", 1997. 1 сентябр.

СизFaфурнинг ўзи ҳақида ёзинг... "Езувчи", 1998. июн.

Беғубор туйғулар (шоир Зиёдулла Нурматов ҳақида).

"Езувчи", 1998. 26 август.

Дорул Ализода. "ЎзАС", 1998. 25 март.

Маҳорат мударриси. "Маърифат", 1998. 11 март.

Истиқдол ва матбуот. "Хуррият", 1998. 26 август.

Асл наслшунос (Академик Ж. Мусаев ҳақида). "Мулкдор", 1998. 4 декабр.

Алп одим-ла "Алпомиши" юрт кезаётир. "Хуррият", 1998. 8—14 декабр.

Ҳалоллик бозори қайдадир?. "Фидокор", 1999. 18 август.

Чингизнинг асл таржимони (ҳаммуаллиф F. Саломов) "Хуррият", 2000. 25 феврал.

Сардафтардаги сарҳисоб (О.Шарафиддинов китобига тақриз). "Ўзбекистон овози", 2001. 16 август.

14 тилни билган донишманд (ҳаммуаллиф Б. Дўстқораев). "Маърифат", 2002. 26 феврал.

Қўмсанш (Машраб Бобоев хотираси). "Езувчи", 2003. 8 август.

Яшаш, яратиш, яхшилик санъати (Академик О. Салимов ҳақида). "Маърифат", 2003. 2 октябр.

"Бобурнома", "Бобурийнома". "Ўзбекистон овози", 2004. 14 феврал.

Улуғимсан, шоирим (Муҳаммад Юсуф 50 йиллиги га). "ЎзАС", 2004, 7 май.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат. "ЎзАС", 2004. 28 май.

Ўзбекнинг Чингиз оғаси. "Ўзбекистон овози", 2004. 14 сентябр.

Ковчег Чингиза Айтматова. "Труд", 24 сентября 2004.

Беором умр сардафтари (ҳаммуаллиф Б.Дўстқораев). "Қишлоқ ҳаёти", 2004. 9 октябр.

ЯХШИЛИКШУНОС

28 июн.

Султонсаидова С., Махамадалиев Х. Оқимга айланган устоз. 2008. 28 июн.

Келдиёрова Г. Дорилфунунлар тақдиримда. "Матрифат", 2008. 16 июл.

Ризаева М. Устознинг янги китоби. "Қибрай садоси", 2008. 19 июл.

Сатторов М. Олим кўзи, адаб ҳиссияти билан. "Матрифат", 2008. 1 октябр.

Насирова Б. Писатель — это мужество и смелость. "Новости Кашкадарья", 10 января 2009.

Рауф Рахим. Инсон мавжли дарёга ўхшар. "Гулистон", 2008. 4 сон.

Т. Эшбек. Публицист олимнинг кент олами."Мохијат", 2008. 28 ноябр.

Назаров Б. Сардорлардан бири. "Китоб дунёси", 2014.

Ўлжабоев У. Қаҳҳорнинг назарига тушган йигит (Сайди Умиров портретига чизгилар). "Сирдарё ҳақиқати", 2013. 16—19 октябр.

Мелибоев А. "Ўйновчи-тренер. "Китоб дунёси", 2015. 15 июн.

Набиев F., Абдуллаева Я. Илм ва ижод фидойиси. "Садо", 2015. 16 июн.

Эслатма: Сайди Умировнинг Истиқлолгача эълон қилган материалари А.Нурматов ва Г.Келдиёрованинг "Олим, мураббий, публицист" китоб библиографиясида (Абу матбуот консалтинг, 2008.) келтирилган.

Истиқлол йилларида радио, телевидениеда 150 дан ортиқ сухбати эшиттирилди, кўрсатилди.

МУНДАРИЖА

ДЕБОЧА	3
Биринчи фасл. МУРАББИЙ МЕҲРИ	5
Улуғ ёшли йигит	8
Тажрибали педагог	10
Шодланиб меҳнат қилаётган устоз	11
Дарси мулоқотга айланадиган домла	12
Ҳамон ўрганишидан ҳайратдаман	14
Тақдирни белгилаган тавсия	15
Дарс жойидан репортаж	16
Иккинчи фасл. ОЛИМНИНГ ИЛМГА	21
ДАЪВАТИ	23
Олимнинг публицистик триадаси	30
Мазмундор умр	32
Улуғлар назарига тушган олим	41
Кент кўламли изходкор	
Учинчи фасл. ЁЗИШНИ ЁЗИБ	46
ЎРГАТАЁТГАН ОЛИМ	48
Ибрат сабоқлари	50
Ёш журналистлар учун намуна	51
Ўйновчи-мураббий	57
Бошқанинг ютуғидан кувонадиган инсон	59
Публицистика оҳанги	64
Сарлавча синоати	
Тўртинчи фасл. СПОРТСЕВАР, МЕҲРЛИ ИНСОН	67
Футболнинг ҳақиқий шайдоси	70
Спортнинг жонкуяр ташкилотчиси	71
Шахмат тахтаси — ҳужум майдони	72
Шахматга садоқат	73
Оққунгил инсон	74
Қиблагоҳимнинг кўзи — отам ўрнидаги отам	75
Иловалар	81

2022

Тузувчи Ҳалим Саидов

ЯХШИЛИКШУНОС

Мухаррирлар: Бахтиёр Омон, Нилуфар Намозова
Саҳифаловчи-дизайнер: Сарвиноз Омонова
Мусаххих: Фаёза Аслаева

Суратларни Абдуғани Жума олган.

Китобнинг оригинал макети «TA'LIM-MEDIA» масъулияти
чекланган жамиятининг матбаа бўлимида тайёрланди.

Нашриёт лицензияси АI № 295. 23.02.2017.
2018 йил 9 январда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84x108 1/32. "TimesUz" гарнитураси.
Офсет босма. Офсет қоғоз. Шартли босма тобоқ 3,5.
Нашр тобоги 3. Адади 400 нусхада. 1-рақамли буюртма.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Avto-nashr» ХК босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, 8-март кӯчаси, 57-йи.




Чоршаъм РЎЗИЕВ

БАҒИШЛОВ

Сайди устоз, мана, саксон ёшдалар,
Айни устоз, комил инсон ёшдалар.
Битта умр бўлса бўлар шунчалик
Яшагулик давру даврон ёшдалар.
Шахмат суриб, копток тепиб, ер чопиб
Ёшлик қони жўшган ўғлон ёшдалар.
Қаҳ-қаҳ отиб қулишларин бир кўринг
Ахир кўплар учун армон ёшдалар.
Илму ҳикмат, ақлу дониш лиммо-лим
Изланишдан толмас туғён ёшдалар.
Қай даврада бўлсалар шу давра гул
Ҳаёт завқин тотган равон ёшдалар.
Ҳавас қилиб ибрат олиб юрайлик
Бизлар учун катта сарбон ёшдалар.
Юзга кириб яйрасинлар дунёда
Ердан юксак, кўнгил осмон ёшдалар.
Чоршаъм битта гапни айтар баралла
Ойлар опам учун полвон ёшдалар.





ЗАВҚ

Сайди Умировга

Сайди ака дарёга ўхшар,
Гоҳи сокин, гоҳо мавж урган.
Кўзи бола кўзидай яшнар,
О, бу кўзлар неларни кўрган.
Футбол ўйнар болалар билан,
Маърузани шеър каби айтар.
Бомдод чоғи чиқиб уйидан,
Хуфтондан сўнг изига қайтар.
Саксон ёши, саксон баҳори
Гуллаб ётар яхши ниятдан.

Керак бўлса самимиятга
Дарс берар у самимиятдан.
Саксон қиши, саксонта кузи
Юрагидан олган андоза.
Табиатан бу одам ўзи
Табиатнинг ўзидай тоза.
Гоҳ ибодат, гоҳида ўлан,
Завқ-шавқига йўқдир ниҳоя.
Кўнглидаги болалик билан
У ҳаётни қиласар ҳимоя.

Эшқобил ШУКУР

